

**НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ
КОМБИНАТИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК
ИНСТИТУТИ**

КОНЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

**«ПЕДАГОГИКА ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР»
КАФЕДРАСИ**

**«Педагогика» фанидан
семинар машғулотларини ўтказиш учун**

**УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА**



Навоий – 2007 йил

Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ____ август 2006 йилда тасдиқланган «Педагогика» фанидан намунавий дастур асосида тузилди ва «Педагогика ва гуманитар фанлар» кафедрасининг 2007йил 18 апрель 9-сонли ҳамда Кончилик факультетининг 2007 йил 27 апрель 6 - сонли йиғилишида тасдиқланди.

Тузувчилар: п.ф.н. Пўлотов А.М.
асс. Эшонқулова Н.А.
асс. Юсупова Ф.З.

Такризчилар: п.ф.н. Суюнов Х.М.
психол.ф.н. Шамиева О.Р.

КИРИШ

**...ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости
ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва
ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда
ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.**

И.А.Каримов

Ёш авлодни тарбиялаш кишилик жамияти вужудга келган пайтдан бери мавжуд. Тарбия ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида авлодлар ўртасидаги давомийлик алоқаси учун зарурдир.

Республикаимизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъйи-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. «Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғликлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»¹.

Янги одамни, демократик жамият кишинисини тарбиялаш – жуда мураккаб ва қийин ишдир. Бинобарин тарбия ҳақидаги фан сифатида педагогика олдида жуда мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Педагогиканинг вазифаси тарбиянинг шундай системасини ишлаб чиқишдан иборатки, бу система ёшларни демократик жамият қуришда иштирок этишга, шунингдек иқтисодий ва идеологик кучига қатъий ишониб, илмий билимлар ва илғор техникани тўла эгаллаган ҳолда эски мафкурага қарши курашга тайёрлайдиган бўлсин.

Педагогика бу вазифани ўқитиш муаммолари ва мазмунини ҳамда ўқув-тарбия ишлари методларини ишлаб чиқиш йўли билан ҳал этиши керак.

Ҳозирги давр кишилари ҳаётидаги энг муҳим зиддият шундан иборатки, бунда фан ва техниканинг турли соҳаларига доир билимлар ҳажми жуда тез суръатда ортиб боради ҳамда инсон учун ўқитиш, тарбиялаш ва таълим беришнинг илгариги мазмуни ва аввалги методларини сақлаб қолган ҳолда ҳозирги давр билан бирга бориш қийин бўлиб қолади. Ёш авлодни мустақил равишда маълумот олиш ва ўз-ўзини тарбиялаш методлари ва усуллари билан ҳамда мустақил равишда илмий тадқиқотлар, илмий текширишлар олиб боришга тезроқ киришиш имконини берадиган методлар билан қуроллантириш муаммоси айниқса муҳим бўлиб қолмоқда. «Бугун ҳалқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идроқ, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади»².

¹Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2000, 10- б.

²Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2000, 108- б.

Юқорида тилга олинган шундай жараёнларни, янгиликларни таҳлил қилишда аجدодларимиз томонидан яратилган илмий, маънавий, маданий, диний меросимизни авайлаб билим ва кўникмаларини ёш авлодга тақдим этишда, янгича мантиқий фикрлаш малакасини шакллантиришда педагогиканинг аҳамияти салмоқлидир. Ижтимоий воқеа-ходисаларни, ҳаётда содир бўлаётган янгиликларни тушуниб олиш ва уни ҳимоя қилиш учун эса замонавий фан билан танишиш зарур.

Шу сабабли таълим-тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш лозим, чунки таълимий ва тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, жамиятни, унинг ривожланишини тасаввур қилиш кийин. Маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ғояни рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Бу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун Республика Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август IX сессиясида, қонуний замин бўлган "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги қонун»ининг қабул қилинишига бир қатор омиллар сабаб бўлди: биринчидан, биз яшаётган муҳитда ижтимоий тузум ўзгариши бўлса, иккинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш ва мулкка бўлган муносабат ўзгарди, унинчидан, эски мафкуравий қарашлар янги шароитга жавоб бермай қўйди, тўртинчидан, таълим муассасаларида олиб борилаётган тадбирлар жаҳон андозаларига мос равишда ташкил қилинишини, талабаларга миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳис-туйғуларини сингдириб, уларни ҳар томонлама баркамол, чуқур билимга эга мутахассис этиб тайёрлашни тақозо этди.

Хулоса қилиб айтганда, таълим - тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад - баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдир.

Тарбиянинг асосий қирралари - эътиқод ва ибрат, илм ва мантиқий тафаккур, ҳақиқат йўлида руҳият сафарбарлиги ва ирода қудрати - буларнинг барчаси услубий қўлланма мавзуларида асосий ғоя сифатида ёритилишига ҳаракат қилинган.

1-семинар машғулоти

Педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Режа:

1. Педагогиканинг фан сифатида тарихан шаклланиши.
2. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари
2. Асосий педагогик тушунчалар (категориялар).
3. Педагогика фанлари тизими ва бошқа фанлар билан ҳамкорлиги.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: «бола етакловчи», маънавият, ақлий, ахлоқий, амалий, жисмоний сифатлар, тарбия, ривожлантириш, шахс, шакллантириш, маълумот, таълим, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу иш, предмет, объект, этнография.

1. Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият ҳам мавжуд бўлган.

Педагогика атамаси ҳам қадимий бўлиб, **“бола етакловчи”** деган маънони билдирувчи грекча **“пайдогос”** сўзидан келиб чиққан. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни кулларни **“педагог”** (бола етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса, махсус ўқитилган ва педагогикни ўзига касб қилиб олган кишиларни **педагог** деб атай бошлашган. Тарихан шундай бўлиб чиқдики, педагогика асосан болаларни, ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фан сифатида тараққий этди.

Бироқ ҳаётда катта ёшдаги аҳолини тарбиялаш ҳам доимо рўй бериб келди. Турмуш шунингдек катталар тарбиясини ҳам илмий асосда ёритилишини талаб қилар эди.

Платон (эрамиздан илгариги 427-348 йиллар) ўзининг «Давлат» ва «Қонунлар» деган асарларида аҳолининг имтиёзли, аристократ гуруҳлари болалари файласуф ва жангчи қилиб тарбияланадиган, аҳолининг болалари аристократларага, мулкдор синфлар ҳокимиятига хизмат кўрсатувчи қилиб тарбияланадиган «идеал» жамият манзарасини чизиб берган эди. Аҳолининг учинчи гуруҳининг болаларида энг яхши фазилат сифатида итоаткорлик тарбияланади; куллар ва уларнинг болаларига келганда Платон уларнинг тарбияси ҳақида лом-лим демайди; Платон уларни одам деб ҳисобламайди, балки «гапирувчи иш куроллари» деб атайди.

Платон асарларида турли фанларнинг билим бериш қиймати ҳақида қизиқарли мулоҳазалар бор; у математика фанларини, айниқса юксак қадрлайди.

Аристотель (эрамиздан илгариги 384-322 йиллар) тарбиянинг мақсадини инсон табиатининг юксак жиҳатлари – фаолият ва фикр юритиш жиҳатларини ўстиришда деб билади. Унинг тарбия ҳақидаги қарашлари «Политика» («Сиёсат») деган асарида баён қилинган. Инсонда жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия бир-бири билан бутун бўлиб қўшилган. Болаларни озод кишига муносиб

даражада ҳаётда зарур бўлган нарсаларга ҳам ўргатиш керак, деб таъкидлайди Аристотель.

Аристотельдан кейин яшаган, қадимги Греция ёзувчиларининг асарлари орасида Плутарх, Сократ, Квинтилиан асарларида ҳам болалар тарбияси ҳақида батафсил баён қилинган.

Феодал ўрта асрчилик даврида тарбия иши черков кўлида эди. Бу даврда тарбия масалалари теологлар, руҳонийларнинг асарларида ёритилади. Масалан, католик теологияси биносини кўриб тугаллаган ва схоластикани системага солган Фома Аквинский (1225-1274) асарларида қуйидаги фикрлар олға сурилган эди: «илоҳий ва табиий ҳуқуққа кўра» бўйсунувчилар олий табақаларга итоаткор бўлишлари керак, чунки бўйсунуш – «худо қулининг фазилатидир». Бунда бутун ҳокимият черковга тегишлидир. Оммани итоаткорлик, сабр - қаноат, аскетизм («нафсни ўлдириш») руҳида тарбиялаш керак.

Уйғониш даврида (XIV-XVI асрлар) ҳунармандчилик ва мануфактуранинг тараққий этиши, шаҳарларнинг ўсиши ва савдонинг ривожланиши, буржуазиянинг вужудга келиши ва юксалиши муносабати билан тарбиянинг янги идеаллари вужудга келди. Италияда Витторино да Филътрэ, Францияда Франсуа Рабле ва Мишель Монтень сингари гуманист педагоглар ўрта аср тарбиясининг асосларини танқид қилиб, унга соғлом, бақувват ва гўзал бўлган, ҳар томонлама билимларга, шу жумладан бир неча тилни, математикани, астрономияни, механика ва бошқа фанларни эгаллаган қувноқ одамни тарбиялашни қарама - қарши қилиб қўйдилар.

XVII асрда «Чех қардошлари» жамоасининг йўлбошчиларидан бири Ян Амос Коменский (1592-1670) яхлит, мазмунли педагогик система яратди. У ўз дунёқарашида диний позицияларда туради, аммо «ҳаммани ҳамма нарсага ўргатишга» даъват этди. Тарбиянинг мақсади кишиларни абадий ҳаётга тайёрлашдан иборат эканлиги ҳақида гапириб, у айна вақтда болаларга бу дунёдаги ҳаёт учун фойдали, фаолият учун керакли реал билимларни ўқитиш масалаларини батафсил ишлаб чиқади. У яратган педагогиканинг таъсири кўпгина мамалакатларга ёйилди. Унинг «Буюк дидактика» деган машҳур асари ва бошқа асарлари ҳозиргача ҳам педагогларга кўпгина ибратли билимлар беради.

Педагогиканинг ривожига IX-XVI асрлар (Шарқ уйғониш даври)да яшаб ижод этган Ал-Бухорий Ат-Термизий, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Махмуд Қошғарий, Ахмад Яссавий, Бохоуддин Нақшбандий, Мирзо Улуғбек, Мир Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳолар XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг йирик номоёндаларидан Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Саидахмад Сиддиқийлар, Оврупа давлатларининг буюк мутаффақир ва педагог олимларидан Ян Амос Коменский, Жан Жак Руссо, И.Г. Пестолоцци, Адольф Дистервег, К.Д. Ушинский, А. С. Макаренко, Ж.


Локк, Жон Дьюи, Эдвард, Торндайк, С. Т. Шацкий, Б. Блумлар улкан ҳисса қўшдилар.

XXI аср бўсағасида ижтимоий иқтисодий муносабатлар ривожда инсон ақл-заковати ва маънавияти асосий мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлиги тобора намоён бўлмоқда. Шунинг учун инсонпарварлик бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий, демократик давлат эркин фуқаролик жамияти қурилишининг бош тамойили сифатида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида (1997 й.) таълим давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниши педагогика фани зиммасига жуда катта масъулиятли улуғвор вазифаларни юклади. Президентимиз ўзларининг “Ўзбекистон - XXI асрга интилоқда” номли маърузаларида қуйидагича жуда яққол асослаб бердилар: *«Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий поклатиш ва юксалишига даъват этадиган, инсон ички оламини бойлатадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан»*. Худди ана шу янги, кенг қамровли, чуқур илмий ғоя, янгича фикр, таълим-тарбияни янгича методологик асосини бошлаб берувчи йўналишдир.

2. Педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўллари йўлга қўйилган фандир.

Педагогика фанининг объекти асосан мактаб ўқувчиларидир, предмети эса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.





3. Инсоншунослик фанлари тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш ва ўқитиши (таълим бериши) қонуниятлари борасида тадқиқот ишларини олиб боради. Шу сабабли, ривожлантириш, шакллантириш, таълим ва тарбия, маълумот педагогиканинг асосий категориялари ёки тушунчалари деб аталади.


Таълим - махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир.


Агар тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланса, камол топса таълим чегараланган (масалан, синф хонаси, лаборатория, кабинетларда) жойда ташкил этилади. Ўқитувчи - тарбиячи раҳбарлигида муайян белгиланган вақтда олиб борилади.

Маълумот - таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

Тарбия - шахсни муайян йўналишда шакллантириш, камол топтириш мақсадида турли одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатдир.

Ўқитиш, билим бериш тушунчасидир. Таълим деганда, биз ва инсониятни илмий билимлар ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш қобилиятларини ўстириш, тафаккурларини шакллантириш жараёнини тушунамиз. Таълим педагогларнинг (билим бериш) фаолиятидан ва ўқувчи-талабаларнинг (билим олиш, ўқиш) фаолиятларидан иборат қўшалок жараёндир.





Мавзу юзасидан саволлар:

1. Педагогика нимани ўрганади?
2. Антик давр файласуфларининг педагогик қарашлари?
3. Ўзбекистон таълим системасида педагогиканинг роли?
4. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. Президент И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нуқтаида қандай ғоялар илгари сурилган?
6. «Педагогика» сўзининг келиб чиқиши ва маъноси.
7. Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Унинг жамият ривожигаги ўрнини қандай тушунаси?
8. Педагогиканинг асосий тушунча (категория)ларига нималар киради?
9. Педагогика қайси фанлар билан алоқада ривожланиб, бойиб боради?
10. «Педагогика фанлари тизими» деганда нимани тушунаси?

Мавзу юзасидан тестлар:

1. Қуйидаги таъриф тўғри белгиланган қаторни топинг: «Педагогика инсон фаолияти сифатида мақсад сари қилинган ҳаракат, ҳоҳиш-истаги ва эҳтиёжларидан келиб чиққан фан»
 А. Умумпедагогик.
 В. Умумметодик
 С. Умумфалсафий.
 Д. Педагогика тарихи таърифи.
2. Абу Наср Форобий таълимнинг миллий характери нимага боғлиқ деб эътироф этади?
 А. Фаросатга.
 В. Миллатга хос белгиларга.
 С. Тилга.
 Д. Идрокка.
3. Жаҳон тарихий педагогик жараёни ва унинг ҳозирги босқичи қандай масалаларни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади?

- А. Глобал масалаларни.
- В. Тарбиявий масалаларни,
- С. Таълимий масалаларни.
- Д. Умуминсоний ва миллий масалаларни

4. Педагогиканинг фан сифатидаги вазифаси нима?

- А. ўргатади.
- В. ўрганади.
- С. Таълим-тарбия объекти.
- Д. Таълим-тарбия тизими

5. Ўзбек педагогикасининг вазифаси нима?

- А. Республикамизда яшовчи турли миллат ва элатларнинг орзу - истакларига монанд таълим-тарбиянинг ҳам назарий ҳам амалий муаммоларини миллий қадриятлар асосида тўғри ҳал этиб бериш.
- В. Ўзбек халқ педагогикаси тараққиётини ўрганиш.
- С. ўзбек халқининг орзу-истакларига монанд таълим-тарбия қонунларини ишлаб чиқиш.
- Д. Миллий қадриятларни ўрганишда педагогикадан фойдаланиш.

6. «Педагогика» атамаси қандай маънони билдиради?

- А. Лотинча «педагог» сўзидан келиб чиқиб, «ўқитаман» маъносини билдиради.
- В. Юнонча «пайдогос» сўзидан келиб чиқиб, «таълим бераман» маъносини билдиради.
- С. Юнонча «пайдогос» сўзидан келиб чиқиб, «бола етаклаш» маъносини билдиради.
- Д. Юнонча «дидакал» сўзидан келиб чиқиб, «бола етакловчи» маъносини билдиради.

7. Педагогиканинг асосий категориялари тўғри белгиланган қаторни кўрсатинг?

- А. Билим, илм, фан.
- В. Таълим, тарбия, маълумот, ривожланиш.
- С. Ўқиш, мустақил иш, маълумот бериш.
- Д. Педагогика, методика, фанлар.

8. Таълим нима?

- А. Синфда дунёқараш таркиб топтирадиган жараён.
- В. Тарбиячи ва тарбияланувчининг биргаликдаги тарбиявий сифатларини шакллантириш жараёни.
- С. Махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларда дунёқараш ҳосил қиладиган жараён.
- Д. Махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим қобилятларини ўстирадиган, дунёқарашни таркиб топтирадиган жараён.

9. Тарбия нима?

- А. Ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган ақлий камолот, билим, малака ва кўникмалардир.
- В. Тарбиячи ҳоҳлаган сифатларни тарбияловчи онгига сингдириш учун улар руҳиятига мақсадли таъсир этиш жараёни.
- С. Тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги билим, малака, кўникма ҳосил қилиш жараёни.
- Д. Тарбиячи ҳоҳлаган сифатларни болада пайдо қилиш жараёни

10. Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг нечанчи сессиясида «...Тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш ҳақида» нутқ сўзлаган?

- А) 9 сессияда.
- В) 6 сессияда.
- С) 7 сессияда.
- Д) 8 сессияда.
- Е) 5 сессияда.

11. Педагогика тарихи манбалари берилган қаторни кўрсатинг?

- А) қуйидагилар барчаси.
- В) буюк адиб ва алломаларнинг ижодий мероси.
- С) археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар.
- Д) А ва В
- Е) халқ ижоди материаллари.

12. Зардуштийларнинг муқаддас китоби.

- А «Авесто».
- В) «Қутадғу билиг».
- С) «Қобуснома».
- Д) «Фозил одамлар шаҳри».
- Е) «Гул ва Наврўз».

13. Ҳукукий тарбияга оид энг йирик асар «Ал - Ҳидоя» асари кимнинг қаламига мансуб?

- А) Ал-Марғиноний
- С) Ат-Термизий
- Е) Ибн Сино.
- В) Ал - Бухорий,
- Д) Аҳмад Яссавий.

14. Зардушт нечанчи асрда ва қаерда яшаган?

- А) эрамиздан олдинги 6 асрда Хоразмда
- В) эрамиздан олдинги 6 асрда Қаршида.
- С) эр. олдинги 9 асрда Хоразмда.
- Д) эрамиздан олдинги 4 асрда Хоразмда.
- Е) эрамиздан олдинги 7 асрда Хоразмда.

15. «Авесто» тўлиқ китоб холида қачон шаклланди?

- А) эрамиздан аввалги 1 асрда.
- В) эр.аввалги 2 асрда.
- С) эр.аввалги 3 асрда.
- Д) эр.аввалги 4 асрда.
- Е) эр.аввалги 5 асрда.

16. «Авесто»да ишлатилган Сўз Хумата (гумата) сўзи нимани англатади?

- А) яхши фикр
- В) яхши амал.
- С) яхши асар.
- Д) яхши сўз
- Е) туғри жавоб берилмаган.

17. «Авесто» да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари қандай тартибда тавсия этилган?

- А) қуйидагилар барчаси.
- В) жисмоний тарбия.
- С) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.
- Д) диний ва ахлоқий тарбия
- Е) А ва С

18. «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб» асарининг муаллифи.

- А) Аҳмад ал Фарғоний
- В) Абу Носр Форобий
- С) Улуғбек
- Д) Абу Носр Форобий
- Е) Али Яздий.


19. «Китоб – ат тарих» асарининг муаллифи ким?

- А) ал – Хоразмий.
- В) Ибн Сино.
- С) Фаробий.
- Д) Беруний.
- Е) Давоний.

Мавзу юзасидан топшириқлар:

1-топшириқ

Педагогиканинг вазифаларини «Кластер» * усули ёрдамида ёритиб беринг.



2-топшириқ

Педагогиканинг ривожланиб ва бойиб боришига қайси фанлар таъсир кўрсатади?

3-топшириқ


Схемани тўлдиринг



*Кластер – инновацион услуб бўлиб, «тоифаларга, туркумларга ажратиш маъносини билдиради».

4-топширик

Схемани тўлдириг.



5-топширик


Қуйидаги намунага қараб 1-маъруза бўйича «Қисқа маълумот варақаси»ни тузинг:



6-топширик:

Педагогика фанлари тизимини таянч сигнал кўринишида тасвирланг (дарахт, молекула, пирамида ва ҳ.к.).

Масалан:



Муҳокама учун мавзулар:

1. XX аср боши ва XXI аср бошидаги инсониятнинг техник ривожланиши ва ҳаёт даражасининг таққослаш мумкин эмас. Лекин XX аср боши ва XXI аср бошидаги таълим соҳасини-чи? Асосий фарқ нимада кўринади? Умуман, сиз келажакдаги таълим жараёнини қандай тасаввур қиласиз?
2. «Буюк ўқитувчи - бу, кимки...». Бу иборани тугатишга ҳаракат қилинг. Сизнингча қандай ўқитувчи буюк?

Мустақил ишлаш учун топширик:

Қуйидаги графикни «Педагогик фикрлашнинг тарихий ривожланишининг асосий босқичлари» мавзуси бўйича тўлдиринг:

Педагогик фикрлашнинг тарихий ривожланишининг асосий босқичлари	Асосий намоёндалари	Ассоий тадқиқот методлари	Асосий ўрганиш объектлари

Реферат учун мавзулар:

1. Педагогик жараён ва мутахассислик.
2. «Менинг идеал ўқитувчим».
3. Педагогика фанининг тарихан ривожланиши.
4. Антик мутафаккирларнинг педагогик қарашлари.
5. «Авесто» да таълим-тарбия тўғрисида.
6. Мустақилликдан кейин таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. -Т, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. -Т, 1997.
3. И.Каримов.«Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман».- Т. 2000.
4. Крившенко Л.П. Педагогика. - М., 2004 .
5. Абдуллаева Ш.А., Д.А. Ахатова ва бошқ. Педагогика. - Т., 2004
6. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. - Т., 2005 .
7. Педагогика. (Маърузалар матни. Проф. Н.Ғайбуллаев таҳрири остида).- Т. «Университет». 1999.
8. Н.В. Бордовская, А.А. Реан Педагогика. Учебник для вузов. -Санкт-Петербург, «Питер», 2004 г.(Интернет)
9. Н.А.Морева Тренинг педагогического общения. Учебное пособие для вузов. -М.: «Просвещение», 2003 -303 с.
- 10.А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
- 11.В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания). -М.: «Педагогическое общество России», 2005 – 331 с.
- 12.В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.
- 13.В.Д.Симоненко Общая и профессиональная педагогика. Учебное пособие для студентов педагогических вузов. М.: Изд.центр «Вентана-Граф», 2006 стр. 450 с.
- 14.Россия кутубхоналари <http://www.libs.ru>
- 15.Очик электрон кутубхона <http://orel.rsl.ru>
- 16.ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
- 17.Ватан тарихи <http://www.lants.tellur.ru>
- 18.Интернет таълим федерацияси <http://www.fio.ru>
- 19.Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
- 20.Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

2-семинар машғулот

Тарбияда шахс ривожланишининг биологик ва психологик асослари

Режа:

1. Шахс ривожланиши ҳақида тушунча ва шахс фаолиятининг роли.
2. Шахсни ривожлантирувчи асосий омиллари:
 - а) биологик омил;
 - б) социал ижтимоий омил
3. Ривожланишда шахснинг ёши ва ўзига хос хусусиятларининг роли.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: шахс ривож, биологик омил, социал омил, таълим-тарбия, жисмоний, ақлий, маънавий камол топиш, соғлом авлод, биологик, психологик асослар.

1.Шахс муаммоси, унинг ривожланиши, шаклланиши ва ижтимоийлашуви педагогика назарияси ва амалиётида муҳим ва мураккаб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу муаммо турли аспектларга эга ва кўп фанларда ўрганилади: фалсафа, физиология, социология, анатомия, психология ва бошқалар.

Савол: Бу фанлар қайси қандай нуктаи назардан шахсни ўрганади. Педагогика фанининг шахсни ривожланишида вазифаси нимадан иборат?

Педагогика фани ўқитиш ва тарбия бериш жараёнида шахснинг ривожланиши, шаклланиши ва ижтимоийлашуви учун самарали шарт-шароитларни ўрганади ва аниқлайди.

Бу шарт-шароитларни, яъни омилларни кўриб чиқишдан олдин, келинг, ушбу мавзу бўйича асосий тушунчаларга эътибор қаратайлик. Бу тушунчалар қуйидаги: инсон, шахс, индивид, индивидуаллик. Булар ўртасидаги фарқни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинг.

1. Шахс деганда кимни тушунамиз?

Тўғри жавоб: Шахс деганда руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қиладиган муайян жамиятнинг аъзосини тушунамиз.

2.Индивид тушунчаси нимани англатади?

Тўғри жавоб: Одамнинг инсонлик жинсига мансублик факти индивид тушунчаси билан ифодаланади.

3.Шахс сифатида бир хил намоён бўладиган икки инсонни учратиш мумкинми?

Тўғри жавоб: Йўқ чунки инсон шахсининг энг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир.

4.Индивидуаллик нима?

Тўғри жавоб: Индивидуаллик деганда шахс руҳий хусусиятларининг қайтарилмайдиган бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, руҳий жараёнларнинг ўтиб бориш хусусиятлари, ҳиссиётлар, фаолият мотивлари, таркиб топган қобилиятлар киради.

5.Ривожланиш нима?

Тўғри жавоб: Ривожланиш кишидаги жисмоний, рухий ва ижтимоий жараён бўлиб, у барча туғма ва эгалланган миқдор ва сифат ўзгаришларини ўз ичига олади. Ривожланиш деб бола вазнининг ошиши, суяк ва мускул тизимининг, таносил аъзоларининг, нерв функционал фаолиятининг камол топиши, ақл-заковатининг шаклланишига айтилади:

6. Боланинг **жисмоний ривожланиши**да нималар юз беради?

Тўғри жавоб: Боланинг бўйи ўсади, вазни ва мускул кучи ортади, сезги органлари мукаммаллашади, ҳаракатларни тўғри бошқара олади.

7. Боланинг **рухий ривожланиши**да қандай ўзгаришлар юз беради?

Тўғри жавоб: Бола шахсидаги психик сифат ва белгилар шаклланади, ҳиссий-иродавий, билиш жараёнида муҳим ўзгаришлар юз беради.

8. Боланинг **ижтимоий ривожланиши** нимада номоён бўлади?

Тўғри жавоб: Боланинг ижтимоий ривожланиши у ижтимоий ҳаётда қатнаша бошлаганда, унинг ҳулқида теварак-атрофга бўлган муносабатларида, айниқса жамоа ишларида қатнашишида номоён бўлади.

9. Шахс ривожланишида қандай **омиллар**ни муҳим деб биласиз?

Тўғри жавоб: Биологик омиллар, ижтимоий омиллар, таълим ва тарбия, бола шахсининг фаоллиги (фаолият) ва бошқалар.

Бу тушунчаларни таққослашганда, олимлар шундай ҳулосага келишган: инсон индивид бўлиб туғилади, шахс бўлиб шаклланади, индивидуалликни эса ҳимоя қилади.

Шахснинг ривожланишига ҳам фанларда турли ёндашишлар мавжуд, масалан фалсафада ривожланиш деганда умумий ҳаракат жараёни тушунилади, психологияда хотира, диққат, сезиш каби нарсаларга аҳамият берилади, педагогикада эса ривожланиш деганда инсоннинг ёши улғайган сари жисмоний, ақлий, рухий, ижтимоий ривожланиши тушунилади. Инсон ривожланишида қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин: **филогенез** – одамнинг тарихий ривожланиши ва **онтогенез** – индивиднинг туғилишидан ўлимигача бўлган ривожланиш.

Шундай қилиб, ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши ҳар тамонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланишининг қонуниятларини унга таъсир этувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолиятининг таъсири ва аҳамиятини аниқлаб таҳлил қилади. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Шахс ҳаёт давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, натижада шахсга айланади. Шу сабабли шахсни маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули деб тушунишимиз лозим.

2. Педагогикада ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги муҳим муаммолардан бўлиб, у кўп мунозараларга сабаб бўлади. Шахснинг


ривожланиши қийин, мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташқи таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чиқади.

Шахснинг ривожланиши жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил ҳамда муҳит, таълим ва тарбия, шахс фаоллиги (ижтимоий омил) шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади.

а) ирсият (биологик омил);

Маълумки, шахс, инсон тирик организмдир, шу сабабли унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига бўйсунди.

Шахснинг, айниқса боланинг жисмоний ривожланиши, соғлиги биологик омилга боғлиқдир. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган **ирсиятнинг**, яъни **боланинг насл-насабининг** ролига олимларимиз алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар бир бола инсонларга хос туғма хусусиятлар билан дунёга келади. Шундай экан, одам боласи туғилгандан сўнг унда шахс бўлиб шаклланиши, етук инсон бўлиб вояга етиши имконияти мавжуд бўлади. Бола ўзининг авлод-аждодларидан кўпгина биологик белгиларни мерос сифатида қабул қилиб олади, хатто айрим касалликлар ҳам наслдан наслга ўтади. Биологик омиллар шахснинг жисмоний ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Шундай экан, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келишини унутмаслигимиз лозим.



б) муҳит (ижтимоий омил);

Президентимиз таъкидлаганидек, шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсули экан, у албатта болани ўраб олган муҳит таъсирида ривожланади. Шахснинг ҳаёти фаолияти давомида муҳит унга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши, ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Муҳит – бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплекси. Булар: табиий муҳит (географик, экологик) ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият) оила муҳити ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий муҳитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари муҳим роль ўйнайди.


Шундай қилиб, ижтимоий муҳитнинг шахс шаклланишидаги ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Ирсий белгиларнинг ривожланиши ҳам инсоний-ижтимоий муҳитда яшашига боғлиқлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон боласи, агар ижтимоий-инсоний муҳитга эмас, бошқа муҳит, айтайлик ҳайвонлар муҳитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик кўринишлари сақланар, лекин инсоний фикр, фаолият, ҳатти-ҳаракат бўлмайди.

Ижтимоий муҳитнинг буюк инсонлар шаклланишидаги ўрни, муҳим бўлиб, Алишер Навоий шоир, Эйнштейн - физик, Улуғбек-астроном, Ибн Сино табиб бўлиб туғилмаган албатта. Улардаги қобилият куртакларининг ривожланиши, истеъдодга айланишида ижтимоий муҳит, таълим-тарбия муҳим рол ўйнаган. Давлатимизнинг баркамол инсон тарбиялаш борасидаги сиёсати ҳам шахс шаклланишида муҳитнинг ўрни катталигини кўрсатади. Бундан ташқари муҳитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанларни ҳам қайта тарбиялайди.



в) таълим ва тарбия;

Мустақил Ўзбекистонимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилиниши баркамол авлодни яратишдаги дастлабки қадамлардир. Шахс ривожланишига эришиш ҳар бир жамиятда амалга оширилаётган тарбия тизими орқали амалга оширилади. Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа асосида шахсга таъсир этилади. Бунинг натижасида муҳитдаги воқеаларнинг тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони туғилади. Муҳит бераолмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга етказиш мумкин.




г) фаолият ва фаоллик.

Ривожланиш шахс фаолиятидан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли одам фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, меҳнат, ўқиш, спорт ва бошқалар шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғая борган сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради, турли ёш давларида эса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи ҳаётида ўқиш, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятга эгадир.

Ўқувчи ва талабаларнинг ривожланишида ўқув жараёнларининг аҳамияти ва таъсири бекиёс каттадир. Билимларни ўзлаштириш уларнинг тафаккурини ўстиради, ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Бу жараёнда уларда ижтимоий хулқ нормалари шаклланади. Шахс қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, уларнинг ривожланишида **меҳнат фаолиятининг аҳамияти каттадир**. Айниқса, меҳнат инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишида муҳим манба ҳисобланади.

Буюк инсонлар ўз соҳаларида юксакликка эришиш учун тинмай меҳнат қилганлар. Инсон ўз интилиши ва фаоллиги билан юксак чўққиларга, муваффақиятларга эришиши мумкин, қобилият ва истеъдодни руёбга чиқариш учун ҳам ўз устида ишлаш зарурдир.



3.Болаларнинг ёш давлари хусусиятлари.

Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун боладаги ривожланишнинг моҳиятини тушуниш, билиш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаш зарур.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма босқичларида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. Тарбия жараёнида ўсаётган авлоднинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда зарур. Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари, психик жараёнлари мавжуд.

Бу ўзига хослик ривожланиш жараёнида яққол намоён бўлади. Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, бола хусусиятига мослашиш эмас, балки шу ёш даврда бола имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия ишларини ташкил этиш демакдир. Шундагина шахс ривожланишига тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг муваффақияти ўқитувчининг ҳар хил ёшдаги болалар ўртасидаги тафовутларни қай даражада ҳисобга олишига боғлиқдир. Шундай экан, тарбиячи мактабгача ёшдаги ва мактаб ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўқувчи талабаларнинг ёш давлари билан хусусиятларини ҳисобга олмоқлари лозим.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. «Одам», «Шахс», «Индивид», «Индивидуаллик» тушунчаларининг моҳиятини тушунтиринг?
2. Шахс ва индивид бир–биридан нималар билан фарқ қилади?
3. Ривожланиш деганда нимани тушунасиш?
4. Шахс ривожланишида филогенез ва онтогенез босқичлари нимани англатади?
5. Шахс ривожланишида биологик омилнинг ўрнини қандай тушунасиш?
6. Шахс шаклланишида ижтимоий муҳитнинг аҳамиятини кўрсатувчи мисоллар кўрсата оласизми?
7. Шахс ривожланишида таълим ва тарбия қандай ўрин тутати?
8. Шахснинг ривожланиши унинг фаоллиги билан боғлиқми?

Мавзу юзасидан тестлар:

- 1.Шахс деганда кимни тушунамиш?
 - А. Шахс деганда руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қиладиган муайян жамиятнинг аъзосини тушунамиш.
 - В Одамнинг инсонлик жинсига мансублик факти шахс тушунчаси билан ифодаланади.
 - С. Фақатгина таълим тарбия субъектларигина шахс ҳисобланади.
 - Д. Бу тушунча маълум бир касб эгаларига нисбатан ишлатилади.

2. Индивид тушунчаси нимани англатади?

- А. Одамнинг инсонлик жинсига мансублик факти индивид тушунчаси билан ифодаланади;
- В. Индивид деганда руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қиладиган муайян жамиятнинг аъзосини тушунамиз;
- С. Индивиднинг энг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир.
- Д. Индивид деганда шахс руҳий хусусиятларининг қайтарилмайдиган бирикмаси тушунилади.

3. Индивидуаллик нима?

- А. Индивидуаллик деганда шахс руҳий хусусиятларининг қайтарилмайдиган бирикмаси тушунилади.
- В. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, руҳий жараёнларнинг утиб бориш хусусиятлари, хиссиётлар, фаолият мотивлари, таркиб топган қобилятлар киради.
- С. Инсон шахсининг энг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир.
- Д. А, В, С жавоблар тўғри.

4. Ривожланиш нима?

- А. Ривожланиш кишидаги жисмоний, руҳий ва ижтимоий жараён бўлиб, у барча туғма ва эгалланган микдор ва сифат ўзгаришларини ўз ичига олади.
- В. Ривожланиш деб бола вазнининг ошиши, суяк ва мускул тизимининг, таносил аъзоларининг, нерв функционал фаолиятининг қамол тониши, ақл-заковатининг шаклланишига айтилади.
- С. Ижтимоий ривожланиш у ижтимоий ҳаётда қатнаша бошлаганда, унинг ҳулқида теvarак-атрофга бўлган муносабатларида, айниқса жамоа ишларида қатнашишида намоён бўлади.
- Д. А В С.

5. Боланинг жисмоний ривожланишида нималар юз беради?

- А. Боланинг бўйи ўсади, вазни ва мускул кучи ортади, сезги органлари мукаммаллашади, ҳаракатларни тўғри бошқара олади.
- В. Жисмоний ривожланиш у ижтимоий ҳаётда қатнаша бошлаганда, унинг ҳулқида теvarак-атрофга бўлган муносабатларида, айниқса жамоа ишларида қатнашишида намоён бўлади.
- С. Бола шахсидаги психик сифат ва белгилар шаклланади, хиссий-иродавий, билиш жараёнида муҳим ўзгаришлар юз беради.
- Д. У барча туғма ва эгалланган микдор ва сифат ўзгаришларини ўз ичига олади.

6. Боланинг рухий ривожланишида қандай ўзгаришлар юз беради?

- А. Бола шахсидаги психик сифат ва белгилар шаклланади, хиссий-иродавий, билиш жараёнида муҳим ўзгаришлар юз беради.
- В. Жисмоний ривожланиш у ижтимоий ҳаётда қатнаша бошлаганда, унинг хулқида теварак-атрофга бўлган муносабатларида, айниқса жамоа ишларида қатнашишида намоён бўлади.
- С. Боланинг бўйи ўсади, вазни ва мускул кучи ортади, сезги органлари мукаммаллашади, ҳаракатларни тўғри бошқара олади.
- Д. У барча туғма ва эгалланган микдор ва сифат ўзгаришларини ўз ичига олади.

7. Шахс ривожланишида қандай омилларни муҳим деб биласиз?

- А. Ижтимоий омил, биологик омил.
- В. Таълим-тарбия.
- С. Бола шахсининг фаоллиги (фаолият).
- Д. Юқоридагилар барча

8. Филогенез бу—

- А. Одамнинг тарихий ривожланиши
- В. Индивиднинг туғилгандан ўлимигача бўлган ривожланиш.
- С. Бола шахсининг фаоллиги (фаолият).
- Д. Таълим тарбия жараёнидаги ўзгариши.

9. Онтогенез бу—

- А. Индивиднинг туғилгандан ўлимигача бўлган ривожланиш.
- В. Одамнинг тарихий ривожланиши.
- С. Бола шахсининг ижтимоий ривожланиши.
- Д. Педагогиканинг фан сифатида тарихан вужудга келиши.

10. Бола ўзининг авлод-аждодларидан кўпгина биологик белгиларни мерос сифатида қабул қилиб олади, ҳатто айрим касалликлар ҳам наслдан наслга ўтади. Бу жараён шахс шаклланишига...нинг таъсири деб таърифланади.

- А. ирсият
- В. тарбия
- С. фаолият
- Д. Таълим

11. Муҳит (ижтимоий омил) деганда нимани тушунаси?

- А. Бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплекси.
- В. Бу: табиий муҳит (географик, экологик) ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият) оила муҳити ва бошқалар.
- С. Шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари муҳим роль ўйнайди.
- Д. А В С

12. Педагогика фанининг энг муҳим вазифаси шахс ривожланишини ҳар жиҳатдан ўрганишдир ва ўқитувчининг ишда муваффақият қозониш шarti ўз ўқувчиларининг хислат ва хусусиятларини билишидир. Ушбу таъриф кимга тегишли?

- А. Рус педагоги К.Д.Ушинский
- В. Рус педагоги Коменский.
- С. Аристотелга.
- Д. Форобийга.

13. Бола ривожланишига доир ўзгаришларни, ёш давларига хос хусусиятларни билиш ва ҳисобга олиш нима учун керак?

- А) Болаларнинг ривожланиб бораётганлигини аниқлаш учун.
- В) Болаларнинг жисмоний жиҳатдан ўсиб боришини аниқлаш учун.
- С) Болаларнинг руҳий жиҳатдан ривожланишини аниқлаш учун.
- Д) Болаларни тўғри тарбиялаш, самарали ўқитиш учун.

14. Қандай хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади?

- А) Маълум бир ёш даврига хос булган анатомик физиологик ва руҳий хусусиятлар.
- В) Мактаб ёшидаги болаларга хос бўлган хусусиятлар.
- С) Катта инсонларга хос бўлган хусусиятлар
- Д) Ўқувчиларга хос бўлган ахлоқий сифатлар.

Мавзу бўйича топшириқлар:

1- топшириқ

Гуруҳ гуруҳчаларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ берилган «Ирсият», «Муҳит», «Таълим-тарбия», «Фаолият» мавзуларига **Кластер** тузади, тушунчаларни тоифалайди ва таҳлил этиб беради.

2- топшириқ

Қуйидаги қайси сифатловчи белгилар инсонни шахс ва индивид сифатида тавсифлайди. Тўғри жавобларни ўнгдаги устунга ўтказинг. Танловингизни изоҳлаб беринг.


Асосий руйхат	Индивид	Шахс
Виждонлилик		
катъийллик		
субутсизлик		
чаққонлик		
ватанпарварлик		
фаолиятдаги тезкорлик		
талабчанлик		
вазминлик		
кузатувчанлик		
ҳаракатдаги шиддатлилик		
саҳоватлилик		
киришимлилик		
миллий ғурур		
озодалик		
ҳалоллик		
қўрқоқлик		
танбаллик		
ташаббускорлик		
фаоллик		
ёвузлик		
камтарлик		
фаросатлилик		
жиззакилик		
қувноқлик		
хушмуомалалик		
ахлоқсизлик		

3- топшириқ

Мавзу билан танишишдан олдин нима тушунарсиз эди, мавзу билан танишгандан сўнг нималар ойдинлашди ва сиз учун нималар тушунарсиз бўлиб қолди.

Мавзу билан
танишгандан сўнг

Нималар тушунарсиз
бўлиб қолди?




Мавзу билан
танишгандан олдин

Тушунарсиз бўлиб
қолган тушунчаларни
қандай ўрганмоқчисиз?

4-топширик

Куйидаги намунага қараб 2-маъруза бўйича «Қисқа маълумот варақаси»ни тузинг:



Муҳокама учун мавзулар:

1. Эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш мумкинми? Ҳар томонлама ривожланган шахснинг асосий кўрсаткичларини айтинг. Кимни ҳар томонлама етук инсон дейишимиз мумкин? Комил инсон деганда кимни тушунасиш.

2. Ф.Ницше шундай ёзади: «Агар инсон худбин бўлмаса, у касал, у ўз-ўзини қурбон қилиш йўлида... Ҳар қандай йўл билан унда худбинликни тарбиялаш керак, яъни уни ҳаётга қайтариш лозим». Ф.Ницшеннинг фикрини шахс хусусиятларини шакллантириш жиҳатидан таҳлил қилинг.

Сизнинг фикрингиз-ча, худбин инсон бахтли бўла оладими?

Мустақил ишлаш учун топшириқ:

Гуруҳингизда қуйидаги тренинг*ни ўтказиб кўринг:

Тренинг «Ўрмонга сайр».

«Кўзингизни юмиб, ўзингизни эркин хис қилинг ва қуйидаги манзарани тасаввур қилинг:

Тасаввур қилинг, сиз ўрмонда кетяпсиз. Сиз бу ўрмонни тасаввур қилинг – у ерда қандай дарахтлар, ўтлар, гуллар ўсаяпти, қандай хайвонлар бор, ёруғлиги қандай, қайси фасл. У ерда йўл борми, ёки йўл йўқ жойлардан юряпсизми?

Кейин сиз ердан чашка топиб олдингиз. Уни ҳам тўлиқ тасаввур қилинг – эскими, янгими, тозами, ифлосми, нимадан ясалган, ранги ва катталиги қандай?

Сайр қилишни давом этиб, сиз тўсиқга дуч келдингиз. Бу девор, канал, кулмак, дарё ёки бошқа нарса бўлиши мумкин. Бу вазиятда сизнинг кайфиятингиз ва хатти-харакатингиз ... тўлалигича тасвирланг.

Кейин сиз уй ёнида пайдо бўлдингиз. У уй қандай? Сиз уйга кирасиз, диққат билан атрофга қараб, у ердаги жиҳозларни, ёруғлигини тасаввур қилинг ва уйдаги сизнинг ҳаракатларингиз.

Уйдан чиқиб юришни давом этинг. Сиз ёввойи бўрига дуч келдингиз. Нима қиласиз? Бу вазиятдан қандай чиқиб кетасиз?

Бўри қочиб кетгач, сиз сайрни давом этиб кўлга дуч келдингиз. Кўлга яқин келганда сизнинг хатти-харакатингиз.

Ниҳоят, сиз узун баланд девор ёнида пайдо бўлдингиз. Унинг орқасида нима борлигини кўра олмайсиз. Сизнинг хатти-харакатингиз?

Ўйин қалити: Ўрмон - бу жамият. Ўрмоннинг ҳолати сизнинг жамиятда яшаш қобилятингизни кўрсатади. Бу ўрмон сиз учун қандай бўлса, сиз атрофингиздаги инсонлар олами шундай тасаввур қиласиз.

Чашка – бу сизнинг ўзингиз, сизнинг ўз қиёфангиз. У қандай: тозами, ёрқинми, қорамтирми, ифлосми?

Тўсиқ - сиз уни қандай енгасиз – бу қийнчиликлар билан курашиш қобилятингиз.

Уй ва ундаги хатти-харакатингиз – бу оила ва оилавий муносабатларингиз.

Бўри – уни қандай енганингиз – бу ўз қўрқувингизни енга олиш қобилятингиз.

Девор - бу ўлимни акс эттирувчи образ ва унга сизнинг бўлган муносабатингиз.

*Тренинг – машқ, тренировка: махсус машқлар режими

Реферат учун мавзулар:

1. Инсоннинг нодир ва бетакрорлиги миллий манавиятимиз асоси.
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.
3. Шахс ривожланишининг асосий омиллари.
4. Биологик омилнинг инсон шаклланишидаги ўрни.
5. Шахс тарбиянинг объекти ва субъекти сифатида.
6. Буюк инсонлар - ижтимоий муҳит самараси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.1998.
2. Каримов И.А. Соғлом авлод - халқимиз келажаги. (Конституция куни муносабати билан сўзлаган нутқи). -“Халқ сўзи” газетаси. 8 декабрь, 1999.
3. Крившенко Л.П. Педагогика. М., 2004 .
4. Абдуллаева Ш.А., Д.А. Ахатова ва бошқ. Педагогика.- Т., 2004
5. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. -Т., 2005 .
6. Н.В. Бордовская, А.А. Реан Педагогика. Учебник для вузов. -Санкт-Петербург, «Питер», 2004 г.(Интернет)
7. Н.А.Морева Тренинг педагогического общения. Учебное пособие для вузов. -М.: «Просвещение», 2003 -303 с.
8. А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
9. В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания). -М.: «Педагогическое общество России», 2005 – 331 с.
- 10.В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.
- 11.В.Д.Симоненко Общая и профессиональная педагогика. Учебное пособие для студентов педагогических вузов. М.: Изд.центр «Вентана-Граф», 2006 стр. 450 с.
- 12.Россия кутубхоналари <http://www.libs.ru>
- 13.Очик электрон кутубхона <http://orel.rsl.ru>
- 14.ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
- 15.Ватан тарихи <http://www.lants.tellur.ru>
- 16.Интернет таълим федерацияси <http://www.fio.ru>
- 17.Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
- 18.Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

3- семинар машғулоти.

Илмий педагогик тадқиқот методлари. Педагогик жараён ва мутахассислик.

Режа:

1. Илмий-педагогик тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўрганишдаги ўрни.
2. Илмий - тадқиқот методлари.
3. Педагогик жараён ва мутахассислик.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: тарбия жараёни, илмий-педагогик тадқиқот, метод, мутахассислик, педагогик кузатиш, суҳбат, тест, сўровномалар, ҳужжатларни таҳлил қилиш, эксперимент, статистика маълумотлар, социологик тадқиқотлар ва бошқалар.

1. Педагогика ўз объекти ва предметиға эға фан сифатида ундаги жараён ва ҳодисаларни ўрганиш учун методлари ва услубларига эға. Педагогика методлари ҳодисаларни уларни ривожланиш жараёнида ўрганади, чунки тарбия ва таълим бу доимо ҳаракатдаги жараёндир.

Умуман олганда, ҳамма фан ҳам янги билимлар билан тўлдирилиб борилса, у фан ривожланади, тараққий этади. Бунинг учун тўғри танланган илмий-тадқиқот йўллари муҳим касб этади. Демак, педагогика ҳам ўз предмети ва объектиға эға экан, у ўз илмий-тадқиқот услубларига, ўз методологиясига эға.

Методология ўзи нима?

Методология (грекча сўздан олинган бўлиб, *methodos* – ўрганиш йўли, назария ва *logos* – сўз, тушунча деган маънони англатади): 1) бу фаолиятни назарий ва амалий ташкиллаштириш принциплари ва усуллари тизимидир; 2) ўрганишнинг илмий услуби ҳақида; 3) фанларда қўлланиладиган услублар йиғиндисидир. Қисқа қилиб айтганда, метод – бу атроф-муҳитни, мавжудотни ўрганишға қаратилган усул, ҳаракатдир.

Педагогика илмий методологияси – бу педагогик жараёни ўрганиш ва ўзгартириш тамойиллари, услублари, шакллари ва ўрганиш жараёнлари ҳақидаги илмдир.

Методологик ўрганиш тизимида тўртта даражани ажратишади: фалсафий, умумфан, аниқ-фан ва технологик. Бу тўртта даража бир бири билан боғлиқ.

Фалсафий даражаси фанни умумий фанлар орасида ўрганади ва ҳар бир фаннинг асосини ташкил этади. Ҳозирги вақтда умуминсоний фанларнинг методологик назариясини, шунингдек, педагогикани ҳам ўрганувчи бир неча оқимлар мавжуд: экзистенциализм, неотомизм, неопозитивизм, прагматизм, диалектик материализм.

Экзистенциализм, бу йўналиш вакиллари инсоннинг фақат ички дунёсини тан олишади, ҳар бир инсон ўз ички дунёсини қандай тарбияласа, атроф-муҳит ҳам бунга бўйсинади. Яъни, булар ташқи муҳит, атроф-муҳит ролини тан олишмайди, фақат инсоннинг «МЕН» деган ифодасини қўллаб-қувватлайдилар. Улар шахсни жамиятдан ажратмокдалар. Ташқи муҳит, объектив дунё инсоннинг ички дунёсига қараб шаклланади ва бўйсинади. Экзистенциалистлар таълимнинг асосий вазифаси, ўқувчиларни ўзларини шахс

сифатида тарбиялаш, ўз-ўзларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак дейдилар. Бу ерда англашга аҳамият берилмайди, фақат ҳис-туйғуларга, орзуларга катта аҳамият берилади. Яъни, экзистенциалистларнинг фикрича, болаларга ва ёшларга таълим беришдаги энг муҳим нарсa интеллектни ўстириш эмас, балки эмоционал тарбиядир.

Неотомизм – бу йўналишда дунё икки қисмга бўлинади, руҳий ва материал дунёга. Руҳий дунё катта аҳамиятга эга. Бу Худо дунёси, материал дунё эса бу мақсадсиз ўлик дунё. Неотомистлар таълимда, тарбияда динга муҳим ролни беришади, ўсиб келаётган авлодни худога ишонтириб тарбиялашни даъват этадилар. Улар одамларни фандан йироқлаштириб ғайрий табиий кучлар олдида бош эгиш томон ундайдилар. **Позитивизм** – бунда фақатгина табиий ва сонли усуллар ёрдамида олинган нарсаларга ишонишади. Улар фақатгина математика ва табиий фанларни тан олишади.

Неопозитивизм, педагогикада аниқ фактлар йўқ, фақатгина кераксиз ғояларга бурканган фан деб қарашади. Улар таълим мазмунига аҳамият беришмайди, билимларни тан олишмайди, фақатгина мана шу билимларни қандай олиш йўллари, услубларига аҳамият беришади.

Прагматизм – грекча *Pragma* сўзидан олинган бўлиб, «тажриба», «эксперимент» деган маънони билдиради, бу йўналиш вакиллари фақатгина тажрибада синаб кўрилган ғояларга ишонишади. Боланинг шахсий тажрибасига ўқув жараёнинг асоси деб қарашади, шунинг учун ўқитиш боланинг тажрибасини оширишга қаратилган бўлиши керак.

Диалектик материализм – табиат, жамият ва тафаккур ҳаракати қонуниятлари туғрисидаги йўналиш. Педагогикада аҳамияти шундан иборатки, шахсга ҳам объект ва субъект сифатида қаралади. Шахс ривожига унинг ирсияти ҳам ташқи муҳит таъсир кўрсатади, ривожланишида тарбияга муҳим рол ажратилади. Шахс фаолиятда намоён бўлади ва шаклланади.

Умумфан даражасида ҳамма фанларда қўлланиладиган услублар, методлар ўрганилади. Фанларни ўрганишда тизимли ёндашиш тақозо этилади. Фанлар асосларини тизимли ўрганиш педагогик жараёни ташкил ва амалга оширишда муҳим рол уйнайди.

Методологиянинг учинчи даражаси – **аниқ фан** – аниқ фаннинг асосини ўрганишга қаратилган

Технологик даражаси ўрганишнинг методикаси ва техникасини ташкил этади.

Педагогика фанининг бугунги кундаги асосий вазифаси талаба ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришдир.

Миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилиши лозим бўлган давлат сиёсати тушунчаси жамият ҳамда шахснинг муҳим ҳаётий ва миллий манфаатларига зарар келтирадиган турли хавф-хатарларни аниқлаш, олдини олиш билан бирга уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларни ҳам ўз ичига олади. Талаба ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда илмий-педагогик тадқиқот методлари қўл келади.

Метод (лотинча *metodos*-йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот деб таржима қилинади. Илмий тушунча сифатида “метод” сўзи кенг маънода

муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода - табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва қонуниятларини билиш мақсадида қандайдир вазифани ҳал этиш усулини билдиради.

Педагогика фанининг методологик асоси ва амал қиладиган негизи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим ҳақида”ги қонуни, ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, И.А. Каримовнинг асарлари, Олий Мажлис материалларидир.

Объектив дунёни билиш, назарияда нимани ўрганиш ва ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика фани ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Аммо шуни таъкидламоқ лозимки, илмий тадқиқот методлари тизими ҳали ҳозиргача фанда тўла яратилган, ҳал этилган эмас. Мавжуд ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий-тадқиқот усулларига таяниб фикр юритиш мумкин.

2. Хўш, педагогика фанининг мазмун моҳиятини бойитишда қандай методлардан фойдаланиш мумкин?

- 1. Педагогик кузатиш усули.**
- 2. Сухбат усули.**
- 3. Болалар ижодини ўрганиш усули.**
- 4. Сўровнома, тест усули.**
- 5. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули.**
- 6. Эксперимент, тажриба, синов усули.**
- 7. Статистика маълумотларни таҳлил қилиш усули.**
- 8. Математика-кибернетика усули.**

Педагогик кузатиш услуби қандай қўлланилади?

Педагогик кузатиш – одатда табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади.

Қайд қилиш усулига қараб кузатиш турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён кузатувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ҳақозоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд қилиш усули бирор-бир ҳодисанинг оқибатлари ҳақидаги фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбобни қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситалари (кинофотосъёмка, видеозапись, телевидение ва ҳ.з.)ни қўллаш билан тобора кўп қўлланилмоқда.

Педагогик тадқиқотда суҳбат методининг ўрни қандай?

Суҳбат методи – сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида – мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан оналар ва кенг жамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади.

Болалар ижодини ўрганиш – ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади, хулосалар ясалади.

Педагогик сўраш методи – тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантикий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни (“ҳа”, “йўқ”) ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест, сўровномалар - бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири – бу тест ёрдамидаги синовдир.

Тест ёрдамида синов ўқувчи ёки мутахассиснинг билими, илми, маънавияти ҳамда ёшларнинг қайси йўналиш ва мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликларида келтирилган ва баҳолаш жараёнини ЭХМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш услубига нималар киради? - бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули – «Эксперимент» сузи лотинча «синаб куриш» «тажриба қилиб кўриш» маъносини англатади. ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади. **Эксперимент услуби шароитига қараб 3 хилда ўтказилади:** 1. табиий эксперимент, 2.лабаратория эксперименти, 3. Амалий тажриба.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш услуби нима учун керак?

На фақат илмий изланишлар борасидаги, балки халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши,

дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Статистик омил аниқ ва ҳаётий бўлса бажарилаётган таълим-тарбия ёки илмий тадқиқотнинг қиммати юқори бўлади.

Педагогик тадқиқотда математика ва кибернетика усулининг ахамияти қандай?

«Кибернетика» грекча «ролни бажараман, идора этаман» деган маъноларни англатади. Кибернетика ишлаб чиқаришни, техникани, тирик организмларни, кишилиқ фаолиятини бошқаришнинг умумий қоидаларини ва воситаларини ишлаб чиқади. Унинг мазмуни ахборот бериш, дастурлаштириш, алгоритмлар, бошқарувчи тизим, модел ясаш сингари асосий назарияларда ўзлигини намоён этади. Мазкур услубдан бугунги кунда педагогикада ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Социологик тадқиқот методи – Анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба-ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга, хусусан тасаввуфга бўлган қизиқишларини аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёқи, адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, ўқув тақсимооти, профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўқув қўлланмаларнинг сифати, компьютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш олийгоҳда қўлланилаётган тестлар талабалар назарида, илмий ва касбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва таълим ҳақидаги Қонуннинг моҳияти ва мазмуни ҳақидаги талабаларнинг фикрлари, ўзлаштирганлик даражаси ҳақидаги саволлар анкетага киритилади. Савол-жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хулосалар чиқарилади.

3.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нуткида «Олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири-олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб-чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилмаганимиз, деб биламан» дейди.

Таълим бериш жараёни - икки ёқлама жараён. Бу жараёнда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам фаол бўлиши керак. Агар ўқувчи ўз ишида машғулотларга кўп вақт ажратса ўқитувчи ўқув материални қисқача ўтишга мажбур бўлади.

Ўқитувчи бўладиган дарс учун материал танлайди, дарсни тузиб чиқади, кўргазмани ўқув курулларини кўрсатишга тайёрлайди. Дарс материални тушунтиришнинг шакл ва усулларини пухта ўйлаган ҳолда дарс бутунлигича унинг алоҳида қисмлари ўқувчилар томонидан қандай қабул қилинишини; онгли, қизгин ишлашни таъминлаш учун нималарни олдиндан белгилаб қўйиш кераклигини ўқитувчи доимо ёдда тутиши лозим.

Назарий машғулот - бу жамоавий фикр юритиш демакдир. У ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида муттасил ижодий алоқа ўрнатиш учун ҳам катта имкониятларга эга. Назарий таълим ўқувчиларнинг умумий билим, ижтимоий умум-техника ва махсус фанларни ўрганишларини ўз ичига олади. Ўрганилаётган касбни онгли тарзда мустаҳкам ва чуқурроқ эгаллашлари учун

зарур ҳажмдаги билимлар тизимини шакллантириш ҳамда ишлаб чиқариш малакасини янада оширишни мақсад қилиб қўяди.

Шахснинг шаклланишида ўқувчининг фаоллиги, унинг мустақил ўқув-билиш фаолиятининг роли муҳимдир. Мустақиллик - бу фикрлаш системасида, киши фаолиятининг турли кўринишлари ва ҳаракатларида ўзининг ифодасини топадиган инсон характерининг хусусиятларидан бири.

Шундай қилиб, таълим бериш жараёнида педагог ва ўқувчининг ҳаракатлари бир бутун бўлиб бирлашади ва дидактик жараён деб аталувчи билим бериш ҳамда қабул қилишнинг ҳамоҳанг жараёни вужудга келади.

Устоз ишлаб чиқариш таълимини ўқувчиларда фақатгина кўникма ва маҳоратни шакллантириш жараёни деб билмасдан, педагог сифатида ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қандай муносабатда бўлаётганлигига, бу жараён уларнинг ҳаётида қандай ўрин эгаллашига, улар қандай мақсадларга интилаётганлигига, уларни шу таҳлитда меҳнат қилишга мажбур этаётган омиллар нималардан нималардан иборат эканлигига бефарқ бўлмаслиги керак. Қачонки ўқувчилар ўз кучларини, ўз маҳоратларини, қийинчиликларни енгишдаги ўз ютуқларини ҳис қилганларида ўқиш қизиқарли ва мазмунли бўлади. Дарсга тайёрланаётганда ўз фаолиятингизни ташкил қилиш ва унинг методикасини белгилабгина қолмай, дарснинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг ақли ва кўли нима билан банд бўлишини обдон ўйлаб кўринг. Дарснинг пухта ўйланган, муайян мақсадга қаратилган ва мазмунли режаси устознинг энг яқин ёрдамчисидир. Агар унда бўлажак дарснинг асосий босқичлари аниқ ва изчил баён қилинган бўлса, дарс режаси илгарироқ устоз томонидан бир неча бор такрорланган бўлса, дарс муваффақиятли таъминланади.

Ишлаб чиқариш таълимини шундай ташкил қилиш керакки, бунда ўқувчиларга олинган назарий билимларни амалда тез-тез тўлароқ кўламда тадбиқ этишга тўғри келадиган бўлсин: «Янгликлар омили» дан: ўқув йилини бошланиши, янги иш, янги дастгоҳ, асбоб, янги ўқув қўлланмаси, меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли, билимларни амалда тадбиқ этишнинг янги шакллари, таълимнинг шароитларидан моҳирона фойдаланиш каби бу нарсалар ўқувчиларни ишга қизиқишини янада орттиради. Ўқувчиларнинг машқлари тизимини ташкил қилаётганда кўникмаларнинг дастлабки ўзлаштирилиши ва мустаҳкамланиши билан тўхтаб қолмаслик керак, ўқувчиларга аста-секин мураккаблашиб борадиган ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажаришни таклиф қилиб, дастлабки кўникмаларни тезроқ ишга тушириб юбориш, машқлар тизимига илгари шаклланган кўникмалар ва малакаларни Янги шароитлар ва вазиятларда тадбиқ этишни киритиш.

Дарс ўтаётганда албатта уни таҳлил қилинг, қўйилган мақсад бажарилган ёки бажарилмагани ҳақида хулоса чиқаринг, ўқувчилар касбни эгаллашда қанча олға силжиганларини, дарснинг самараси қандай бўлганлигини аниқланг, келажак учун хулоса чиқаринг.

ХУЛОСА: Демак. педагогика фани ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган услублари билан ўрганади.

Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари қанчалик туғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усулларига догматик ёндашиш мукин эмас. Иккинчи томондан, илмий тадқиқот усуллари тизими ҳали ҳозирча фанда тўла яратилган, ишлаб чиқилган эмас.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. «Метод» сўзи моҳиятини қандай тушунасиш?
2. Педагогикада қандай илмий тадқиқот методлари қўлланилади?
3. Педагогик кузатиш ва суҳбат услубларига қандай талаблар қўйилади?
4. Қандай йўллар билан болалар ижодини ўрганиш мумкин?
5. Педагогик тадқиқотда тест ва сўровномаларнинг ўрни қандай?
6. Педагогик экспериментларнинг фан тараққиётига таъсири.
7. Илмий тадқиқот методларига ижодий ёндашув деганда нимани тушунасиш?

Мавзу бўйича тестлар:

1. Методология грекчадан олинган бўлиб қуйидаги маънони англатади-

- А) грекча. *methodos* –ўрганиш йўли, назария ва *logos* – сўз, тушунча деган маънони англатади)
В) грекча. «пайдос» - янгилик» ва «аго» - ахборот;
Г) грекча. *Pragma* - «тажриба», «иш»
Д) тўғри жавоб йўқ.

2. Педагогика илмий методологияси – бу :

- А. Педагогик жараёни ўрганиш ва ўзгартириш тамойиллари, услублари, шакллари ва ўрганиш жараёнлари ҳақидаги илмдир.
В. Фаннинг бир бутун категориялари ва билишнинг умумий принциплари.
С. Олимларнинг принциплар методлар ва жараёнлар ҳақидаги билимлари ва педагогик фаолият таҳлили.
Д. Бирон бир фанда қўлланидиган методлар йиғиндиси.

3. - Бу йўналиш вакиллари инсоннинг факат ички дунёсини тан олишади, ҳар бир инсон ўз ички дунёсини қандай тарбияласа, атроф-муҳит ҳам бунга бўйсинади. Яъни, булар ташки муҳит, атроф-муҳит ролини тан олишмайди, факат инсоннинг «МЕН» деган ифодасини қўллаб-қувватлайдилар. Улар шахсни жамиятдан ажратмоқдалар. Ташки муҳит, объектив дунё инсоннинг ички дунёсига қараб шаклланади ва бўйсинади. Улар таълимнинг асосий вазифаси, укувчиларни узларини шахс сифатида тарбиялаш, уз-узларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак дейдилар. Бу ерда англашга аҳамият берилмайди, факат хис-туйғуларга, орзуларга катта аҳамият

берилади. Яъни, уларнинг фикрича, болаларга ва ёшларга таълим беришдаги энг муҳим нарса интеллектни ўстириш эмас, балки эмоционал тарбиядир.

Бу йўналиш қандай номланади?

- А) Экзистенциализм;
- В) Неотомизм;
- Г) Непозитивизм;
- Д) Прагматизм.

4. Қайси йўналишда фақатгина табиий ва сонли усуллар ёрдамида олинган нарсаларга ишонишади, фақатгина математика ва табиий фанларни тан олишади.

- А) позитивизм;
- В) Неотомизм;
- Г) Диалектик материализм;
- Д) Прагматизм

5. Прагматизм – бу:

- А. грекчаPragma сўздан олинган бўлиб, «тажриба», «эксперимент» деган маънони билдиради,
- В. Бу йўналиш вакиллари фақатгина тажрибада синаб кўрилган ғояларга ишонишади.
- С. Боланинг шахсий тажрибасига ўқув жараёнинг асоси деб қарашади, шунинг учун ўқитиш боланинг тажрибасини оширишга қаратилган бўлиши керак.
- Д. А В С.

6. Диалектик материализм йўналишининг педагогикадаги аҳамияти нимада?

- А. Педагогикада аҳамияти шундан иборатки, шахсга ҳам объект ва субъект сифатида қаралади. Шахс ривожига унинг ирсияти ҳам ташки муҳит таъсир қурсатади, ривожланишида тарбияга муҳим рол ажратилади. Шахс фаолиятда намоён бўлади ва шаклланади.
- В. Шуниси аҳамиятлики, бу йўналиш вакиллари инсоннинг фақат ички дунёсини тан олишади, ҳар бир инсон ўз ички дунёсини қандай тарбияласа, атроф-муҳит ҳам бунга бўйсинади. Яъни, булар ташки муҳит, атроф-муҳит ролини тан олишмайди, фақат инсоннинг «МЕН» деган ифодасини қўллаб-қуватлайдилар.
- С. Бу йўналишнинг аҳамияти шундаки, таълимда, тарбияда динга муҳим ролни беришади, ўсиб келаётган авлодни худога ишонтириб тарбиялашни даъват этадилар.
- Д. Педагогикада аҳамияти шундан иборатки, улар фақатгина математика ва табиий фанларни тан олишади ва бу билан бу фанларнинг янада ривожланишига асос солади.

7.Метод нима?

- А. (лотинча-metodos-йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот деб таржима қилинади.
- В. Илмий тушунча сифатида “метод” сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода - табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва қонуниятларини билиш мақсадида қандайдир вазифани ҳал этиш усулини билдиради.
- С. А В.
- Д. Фақат В.


8. Педагогика фанининг мазмун моҳиятини бойитишда қандай методлардан фойдаланиш мумкин?

- А. Педагогик кузатиш усули, Сухбат усули, Болалар ижодини ўрганиш усули.
- В. Сўровнома, тест усули, Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули, Эксперимент, тажриба, синов усули.
- С. Статистика маълумотларни таҳлил қилиш усули, Математика-кибернетика усули.
- Д. Барчаси тўғри.

Мавзу бўйича топшириқлар:


1 -топшириқ

Схемани тўлдилинг.



2-топширик

«Кластер» усули ёрдамида педагогиканинг илмий-тадқиқот методларини кўрсатинг.



3 –топширик

Тасаввур қилинг, сиз Таълим Вазирлигининг вакили сифатида Навоий давлат кончилиқ институти ўқув жараёни ҳолатини текшириб ўрганмоқчисиз. Сиз тадқиқотни нимадан бошлайсиз. Бу жараён босқичларини ифоладалаб беришга ҳаракат қилинг.

4- топширик


Мавзу билан танишишдан олдин нима тушунарсиз эди, мавзу билан танишгандан сўнг нималар ойдинлашди ва сиз учун нималар тушунарсиз бўлиб қолди.

Мавзу билан
танишгандан сўнг

Нималар тушунарсиз
бўлиб қолди?

Мавзу билан
танишгандан олдин

Тушунарсиз бўлиб
қолган тушунчаларни
қандай ўрганмоқчисиз?



4 - топширик. Стрелкаларни тўғри йўналтиринг:

Педагогик кузатиш

- сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Сухбат методи

- Қайд қилиш усулига қараб бу метод турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён кузатувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ҳақозоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд қилиш усули бирор-бир ҳодисанинг оқибатлари ҳақидаги фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбобни қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситалари (кинофотосъёмка, видеозапись, телевидение ва ҳ.з.)ни қўллаш билан тобора кўп қўлланилмоқда.

Педагогик сўраш методи – бу метод «синаб куриш» «тажриба қилиб кўриш» маъносини англатади. ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадқиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Тест ёрдамида синов

-ўқувчи ёки мутахассиснинг билими, илми, маънавияти ҳамда ёшларнинг қайси йўналиш ва мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликларида келтирилган ва баҳолаш жараёнини ЭҲМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган.

Эксперимент-тажриба-синов усули –тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантикий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни (“ха”, “йўқ”) ҳам тақозо этиши мумкин.

5 - топшириқ. Талабалар орасидан танланган ректор ва журналист орқали институт кутубхона фондининг ҳолати тўғрисида кичик интервью уюштиринг.

Гуруҳ лидерини аниқлаш учун намунавий анкета.

1. Гуруҳингизда ким жамоа ишларида фаол ташаббус кўрсатади?
2. Гуруҳингизда ким жамоа ишларига бефарқ қарайди?

3. Муаммоли ҳолатларда гуруҳда кимнинг фикрига қулоқ тутасиз?
1. Гуруҳда кимнинг фикри сизни кам қизиқтиради?
2. Қийин, оғир вазиятда сиз кимнинг ёрдамига мурожаат қилар эдингиз?
3. Кимнинг ёрдамига сиз камроқ мурожаат қилишга ҳаракат қиласиз?
4. Сизнинг гуруҳингиз аъзоларидан қайси бирлари катта авторитетга эга?
5. Сизнинг гуруҳингиз аъзоларидан қайси бирлари кам авторитетга эга?
6. Сиз ким билан биргаликда мутахассислигингиз бўйича имтиҳонга тайёрланишни хоҳлардингиз?
7. Ким билан сиз биргаликда имтиҳонга тайёрланишни хоҳламайсиз?
8. Сиз номаълум жойга боришингизга тўғри келганда кимни ҳамроҳ бўлишни хоҳлардингиз.
9. Сиз ким билан сафарга чиқишни хоҳламайсиз?


Ўзингизни текширинг:

Сиз илмий тадқиқотлар ўтказишга тайёرمىсиз?

Тест: «Интеллектуал зукколигингиз»


Ушбу тест бўлажак ўқитувчининг интеллектуал фаолияти муваффақиятлилигини олдиндан айтиб беришга имкон беради. Ҳар бир саволга жавоб бериш учун Сизга бир дақиқадан вақт берилади. Вақтни белгиладик-ми? Унда – олға!

1. Кеча сиз кайнотангизнинг биттаю-битта ягона севимли қизининг қизини учратиб қолдингиз? У сизга ким бўлади?
2. 2,6,18 ... 162. Бу қаторда қайси рақам қолдирилган?
3. Бу расмда нечта ҳалқа тасвирланган?



4. Сизга 17 100 сум қайтим беришди. Шунинг билан бирга 200, 500, 5000 сўмлик купюралар билан. Ҳар бир купюранинг қиймати бир хил. Сизда энди ҳар бир қийматли купюралардан қанча мавжуд?

5. Банан, ананас, апельсин, мандарин, киви, лимон. Бу тушунчалардан биттаси бу қатордан тушиб қолади. Қайси бири?
6. 1 дан 50 гача нечта 5 рақами бор?
7. Я Д С Ч ...Ж Ш. Мантиқан қолдирилиб кетилган ҳарф ўрнига қайси ҳарф қўйилиши керак: В; П; М?
8. Бу иборани жуда мижғов одам айтган. Уни нормал ҳолатга келтиринг: «Ёпиқ типдаги диний ташкилотга ушбу ташкилот раҳбарияти томонидан кўрсатилмаган шахсий қоидалар бўйича кириш ман этилади».
9. Пирамидани фақат битта развёртка ёрдамида йиғиш мумкин. Қайси биридан — А, В, С ёки Д?



10. Диверсантда шифровка топилди: «Дунё ишлари нақадар аламли, менинг ишларим тобора купайиб ўнмоқда, чарчоқ аро дард алам». Шифровкани топишга ҳаракат қилинг!

Энди эса жавобларингизни текшираамиз.

Тўғри жавоблар.

1. Кимам бўларди, қизида...
2. 54, ҳар бир рақам олдингисидан уч маротаба кўп.
3. Тўртта. Иккита қора, иккита оқ.
4. Учта
5. Мандарин. Иккинчи маънога эга ягона сўз — «Хитой ҳукмдори»
6. Бешта.
7. П.
8. Бегоналарга кириш ман этилади.
9. Д.
10. «Динамит кўчада». Ҳар бир сўзнинг биринчи ҳарфлари йиғилган. Энг оддий шифр...

Сиз эришган натижарингиздан қониқдингизми? Агар йўқ бўлса, сиз интеллектингиз устида ишлашингиз лозим. *Маслаҳат:* сиз қуйидаги машқларни бажариб ўз интеллектингизни ўстиришингиз мумкин.

Ақлий аэробика

Сизга кераклисини танлаб олинг. Машқлар атиги бир неча дақиқаларга мўлжалланган бўлиб, унга махсус жиҳозлар талаб қилинмайди.

Бу машқлар миянинг хотира, мазмунни тез англаб олиш функцияларига ёрдам беради.

Фикрларни бир жойга тўплаш. Вақти: 5-10 дақиқа. Ҳамма машқлар овоз чиқарилиб бажарилади.

1 -машқ. 100 дан 1 гача тескари тартибда иложи борица тез санаб чиқинг.

2-машқ. Алфавитни ўқиб чиқинг: ҳар бир ҳарфга сўз уйлаб топинг («А — анор; Б — бола...»), иложи борица тезроқ. Агар сиз бирор ҳарфда 30 сониядан кўп ўйланиб қолсангиз, уни қолдириб кетинг ва давом этинг.

3-машқ. 20 та таом номларини эслаб рақамлаб чиқинг («1 — Ош, 2 — котлет, 3 — компот...»).

4-машқ. Бирор бир китоб, журнал ёки газетани олиб ундаги текстни тескари ўқишга ҳаракат қилинг.

Муҳокама учун мавзулар:

1. Ўқитувчи мактабда илмий-педагогик тадқиқотларни мустақил ўтказиши керакми, ёки бу фақат профессионал-олимлар ишими?
2. Сиз нима деб уйлайсиз, замонавий мактаблар учун ўқув ва илмий тадқиқотларнинг қайси бирлари долзарблироқ?
3. Техника олийгоҳ талабаси қандай қилиб ўз методологик маданиятини ошириши мумкин?

Мустақил ишлаш учун топшириқ:

Танишларингиз орасида қуйидаги мавзуларда кичик суҳбат ўтказинг: а) Педагогика нимани ўрганади — улар билишадими? б) Унинг таниқли намоёндалари ҳақида нималар билишади?

Реферат учун мавзулар:

1. Педагогик илмий-тадқиқот методлари.
2. Иқтидорли ёшларни танлаш болалар ижодини ўрганиш самарасидир.
3. Тарбия жараёнида миллий онгнинг шаклланиши.
4. Шахснинг Ватанга, Ўз халқига, табиатга муносабати.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., "Шарқ". 1999.
2. Абдуллаева Ш.А., Д.А. Ахатова ва бошқ. Педагогика. Т., 2004
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Т., 2005.
4. Россия кутубхоналари <http://www.libs.ru>
5. Очик электрон кутубхона <http://orel.rsl.ru>
6. ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
7. Интернет таълим федерацияси <http://www.fio.ru>
8. Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
9. Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

4- семинар машғулот.
Оилада тарбия асослари. Ҳуқуқий тарбия.
Мустақил фикрлашни тарбиялаш.

Режа:

1. Оиланинг мақсади ва вазифалари.
2. Оиланинг мактаб ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги.
3. Ҳуқуқий тарбия.
4. Мустақил фикрлашни тарбиялаш.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: оила, оила мақсади, оила вазифалари, фарзанднинг ота-она олдидаги ва аксинча ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари; виждон, рух, қалб, иймон, онг, ҳуқуқий тарбия, касб, мулк, табиат, муносабат.

1. Оила – вояга етган икки жинснинг севиш, ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида, ихтиёрий равишда, қалб ҳоҳиши билан тузилган қонуний иттифоқидир.

Мўжазгина бир қалъа қурилди. Энди бу қалъада бекинмачоқ ўйналмайди. Ёшликдаги ўйинқароқлик, бебошлик, эркалик, бепарволик ўрнини сезгирлик, масъулият, андиша, жавобгарлик каби фазилатлар эгаллай бошлайди. Бунга ҳар бир ёш тайёрланиб, масъулият кўникмасини ҳис қилиб, оила мақсад ва вазифаларини тушуниб, ўқиб бормоғи лозим.

Оила мақсади – икки жинснинг ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

Оила вазифаси – эр-хотиннинг биргаликда ҳўжалик юритиш асосида оилани ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақлли, ҳар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаш.

2. Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шундай экан, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Оила тор маиший тушунча эмас, балки у ижтимоий жамоадир. Шу сабабли оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади.

Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга ўз таъсирини кўрсатади.

Шуни унутмаслик лозимки, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина оила тарбияси муваффақиятли бўлиши мумкин. Ёш авлод ҳаётининг кўп қисми оилада ўтади. Шу боисдан турмушнинг мураккаб муаммолари билан оилада танишадилар. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит - қизлар аста-секин камол топиб борадилар. Анъана ва маросимлар тарбиянинг қудратли куралига айланади.

Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина, ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. Оила тарбиясидаги ютуқлар ота-оналарга педагогик билимлар бериш, оилавий тарбия бўйича

тажрибалар алмашиши, ота-оналарни тарбиявий ишларга қизгин жалб қилишга ҳам боғлиқдир.

3. Ҳуқуқий тарбия тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, адолатли фуқоролик жамияти қурилиши шароитида янада муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз кўп минг йиллик ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига эга. Кўп асрлар давомида барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони Каримда кўрсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилиб ҳуқуқий тарбия бериб келинди. Ислом ҳуқуқшунослиги шаклланди. Инсонларни ҳуқуқий тарбиялашга хизмат қилувчи ҳадислар тўпламлари яратилди.

Ҳуқуқий тарбия мазмунида қуйидагилар акс этади:

1. Ўқувчиларнинг ўз ҳуқуқини танишга, фуқоролик масъулиятини ҳис қилишга ўргатиш.

2. Республикамиз қонунларига, фуқороларнинг ҳуқуқ бурчларига, ижтимоий турмуш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатиш.

3. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш.

4. Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қонунни бузишга мурасасизлик муносабатини тарбиялаш.

5. Конституциянинг асосий моҳиятини тушиниш.

6. Давлат қонунларининг бажарилиши шарт эканлигини билиш.

4. Президентимиз орзу қилган жамиятимизнинг тамал тошини қўйувчи “Баркамол авлод” қоилининг асосий мезони, ёшларнинг мустақил фикрлай олиш ва ўрганган билим ва тажрибаларини амалиётда қўллай билишидир.

Мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад қабилар вужудга келади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо этади.

Масала, муаммо, топшириқларни ечиш шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, майли, қобиляти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ равишда олиб қаралади, уларнинг талабларни қабул қилиш, муайян қарорга келиш, воситалар қидириш мустақил фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил қилади.

Мустақил фикр юритиш жараёни, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади.

Ўқув фаолиятида фикр юритишнинг, тафаккур қилишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади.

Мустақил фикр юритиш жараёни қуйидаги босқичлардан таркиб топган:

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо инсон томонидан яхшилаб англаб (тушуниб) олинishi керак. Агарда инсон олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирилмаган бўлса, у ҳолда у бирон-бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Мушоҳада ҳам қилмайди. Инсон танбалликка мойилдир. Мабодо шахс ҳал қилиниши шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечиш йўл ва воситаларини шунчалик енгиллик билан топади.

2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни, муҳим муносабатлар, урф-одатлар, боғланишларни яхши билиши ва уни тадбиқ қила олиши зарур. Бунинг учун шахсий тажрибада учраган ҳолатдан, усуллардан ҳолатларни хотирада сақлаш ва уни ўхшаш муаммоларни ечишда қўллаш жараёни амалга оширилади.

3. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, ечиш тўғрисида мулоҳазалар билдирилади. Турли вариантлар ҳақида фикр юритилади, улар ўзаро қиёсланади ва энг самарали вариантлар ажратилади.

4. Муаммо олдида қўйилган гипотезани муайян мезонлар ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшаш ҳолатлар маъновий, шаклий, тузилмавий жиҳатдан таққосланади. Бу ўринда ижодий ҳаёл материалларидан атрофлича фойдаланилади, яъни ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш, мақсад натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизимини тадбиқ қилиб кўрилади ва айрим ўзгартиришлар киритиш мўлжали ойдинлаштирилади. Гипотеза мантикий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, муҳим аломатлари ажратилади, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича тезкор ҳукм ва хулосалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия қилинади.

6. Муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларни тўғрилигига ишонч, қаноат ҳосил қилиш учун ечувчи шахс уни текшириш билан мустақил фикр юритиш хатти-ҳаракатларини якунлайди. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳазалаш шаклларида сўнг масала (топшириқ) батамом ҳал қилинади ва бу муаммо тўғрисида ўйлаш нисбий жиҳатдан вақтинча тўхтатилади. Эришилган муваффақият ҳаётга жорий қилинади. Бошқача айтганда бу муаммо ва унинг ечимини топиш учун қилинган ҳаракатлар ва ечимлар келгуси муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун керак бўлади. Бу тажрибалар онгнинг хотирасида сақлаб қўйилади ва навбатдаги ҳаётий муаммоларни ечишда чуқур ўйлаш, мушоҳада қилиш, тафаккур савиясига мос, ҳаётий тажрибага таяниб ечим излаш ва уни орттирган ҳаётий тажрибалар билан қиёслаш, ундан кейингина ягона охирги хулосага келиш ва уни ҳаётда қўллаш каби берк айланма тизим (система, механизм) ҳосил бўлади. Бу тизим чексиз давом этаверади.

Ҳар бир шахс ўз ақл-идроки, тафаккурнинг теранлиги, интеллектуал шаклланганлигига хос ва мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётга жорий этади. Инсон ҳаётга жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар

орасида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда шахснинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Жамият ва оиланинг ўзаро муносабатини шарҳлаб беринг.
2. Ўзбек оиласидаги шахслараро муносабатлар сизни қониқтирадими? Бунга муносабатингиз.
3. Оиланинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат, деб ўйлайсиз?
4. Бола тарбиясида оиланинг ўрнини қандай тушунасиш?
5. Оиланинг мактаб билан ҳамкорлиги қандай бўлганда тарбия самарали бўлади, деб ўйлайсиз?
6. Бола тарбиясида маҳалла, жамоатчиликнинг ўрни қандай?
7. Дунёқараш деганда нимани тушунасиш?
8. Мифологик, диний, фалсафий дунёқараш турлари ҳақида нималар биласиз?
9. Билим илмий дунёқараш асоси эканлигини, уларнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилинг.
10. Шахс камолотини таъминлашда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамиятини тушунтиринг.
11. Мустақил фикрлашнинг комил инсон шаклланишидаги ўрнини қандай тушунасиш?
12. Виждон деганда нимани тушунасиш?
13. Виждонлилик нима?
14. Виждон тарбиясида нималарга эътибор бериш лозим?
15. Виждоний муносабат нима?
16. Виждон азоби нима?
17. Мулкка бўлган муносабат деганда нимани тушунасиш?
18. Ватанпарварлик, халқпарварлик нима?
19. Виждон эркинлигига таъриф беринг?
20. Ҳуқуқий тарбияни тушунтиринг?
21. Табиатга бўлган виждоний муносабат деганда нимани тушунасиш?

Мавзуга оид тестларни ечинг:

1. Оила мақсади – ...

- А. Икки жинснинг ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.
- В. эр-хотиннинг биргаликда ҳўжалик юритиш асосида оилани ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақлли, ҳар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаш.
- С. Етук кадрлар етказиб бериш.
- Д. Жамиятда инсонларнинг бир-бирини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш

2. Оила вазифаси – ...

- А. Эр-хотиннинг биргаликда ҳўжалик юритиш асосида оилани ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақлли,

хар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаш.

В. Икки жинснинг ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

С. Миллий қадрият ва анъаналарни сақлаб қолиш чора тадбирларини кўриш.

Д. Ёшларга диний тарбия бериш.

3. «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деган гап Конституциянинг нечанчи боб ва моддасида ёзилган?

А. IX боб, 41 модда

В. IX боб, 40 модда

С. IX боб, 31 модда.

Д. X боб, 43 модда.

4. Ҳуқуқий тарбияга оид энг йирик асар «Ал-Ҳидоя» асари кимнинг қаламига мансуб?

А. Ат-Термизий

В. Ал-Бухорий

С. Ал-Марғиноний

Д. Аҳмад Яссавий.

5. Конституциямизнинг 31 моддаси нима ҳақида сўз боради?

А. Фикр юритиш эркинлиги ҳақида.

В. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳақида.

С. Илм олиш ҳуқуқи ҳақида.

Д. Виждон эркинлиги ҳақида.

6. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари Президент И.А.Каримовнинг қайси асарида ўз аксини топган?

А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари.

В. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

С. Ўзбекистон XXI асрга интиломда.

Д. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинган, нечта боб, бўлим ва моддадан иборат?

А. 1991 йил 31 августда, XXV боб, 6 бўлим, 125 моддадан;

В. 1992 йил 2 июлда, XXVI боб, 5 бўлим, 127 моддадан;

С. 1992 йил 8 декабрда, XXVI боб, 6 бўлим, 128 моддадан

Д. 1992 йил 18 ноябрда, XXV боб, 4 бўлим, 125 моддадан.

8. Мустақил фикр юритиш жараёни қайси босқичдан бошланади:

А. Мустақил фикр юритиш фаолиятида энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо инсон томонидан яхшилаб англаб (тушуниб) олиниши керак;

В. Энг аввало муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни, муҳим муносабатлар, урф-одатлар, боғланишларни яхши билиши ва уни тадбиқ қила олиши зарур;

С. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, ечиш тўғрисида мулоҳазалар билдирилади;

Д. Энг аввало муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади.

Мавзу бўйича топшириқлар:

1 -топшириқ

Бой маданий-маънавий меъросимиздан бири бўлмиш «Авесто»да оила-никоҳ, масалалари қандай ёритилган?

2-топшириқ

Ҳозирги замон оиласининг қандай турлари фарқланади?

3 -топшириқ

Ҳозирги замон оиласининг қандай асосий функциялари бор?

4-топшириқ

Қуйидаги мисраларни ўқинг ва мушоҳада қилинг.

«Никоҳ - ҳаёт мактаби бўлиб, унда ўқувчи роли кўпроқ эркакларга тушади

(Ю.Булотович)

«Никоҳ узуги бу оила занжирининг биринчи халқасидир.

(Ғ. Шоумаров)

«Энг яхши кун - бугун.

Энг катта ҳато - умидсизликка берилиш.

Энг катта ожизлик - нафрат.

Энг катта тинчликни бузувчи одам - кўп гапирадиган одам.

Энг хавфли одам - ёлғончи.

Энг катта ҳаёт - ҳамжиҳатлик ҳисси.

Сен беришинг ёки олишинг мумкин бўлган энг катта совға - севги!»

(Ж.Ануй)

5-топшириқ

Януш Корчак ҳоҳловчиларга «Буви оилада тарбия омили сифатида» мавзусида трактат ёзишни таклиф қилади. Бунда буви болалар ёки неваралар билан бирга яшайдиган жойида у бажарадиган асосий ролларнинг ёзишга ҳаракат қилинг.

(Жавоб: бувиларнинг роли хилма-хил. Булардан бир нечтасини айтишимиз мумкин: 1) Бахтсиз кампир; 2) Оилада бошлиқ-генерал; 3) тартиб посбони; 4) энг меҳрибон буви; 5) Уй ўқитувчиси; 6) Қувноқ ва мулойим бола; 7) Қари донишманд киши сифатида ва ҳоказо).

6 -топширик

Куйидаги педагогик вазиятни ечинг:

1. Сиз кўчада ўтувчилар кўз ўнгида ўз боласини қаттиқ ураётган аёлни учратдингиз. Бола аччиқ йиғлаяпти. Агар аёлга аҳамият берсангиз, у янада ғазабланади, шунчаки ўтиб кетиб ҳам бўлмайди. Ўзингизни қандай тутасиз?

Муҳокама учун мавзулар:

1. Куйида келтирилган фикрларни солиштиринг:

«Ҳар канча мактаб, институт ва бошқа тарбия масканлари бўлмасин, яхши отасиз яхши тарбия бўлмайди» (Н.М.карамзин);

«Ҳамма тарбиялайди: одамлар, нарсалар, ҳодисалар, лекин ҳаммасидан кўра ҳиссаси кўпи – одамлар. Улар орасида биринчи ўринда – ота-оналар ва ўқитувчилар» (А.С Макаренко).

Ким ҳақ? Педагог оиладаги тарбия етишмовчилигини тўлдиролдими? Агар йўқ десангиз, нима учун ота-оналар ичадиган ва болалар тарбияси билан шуғулланмайдиган оилаларда яхши одамлар етишиб чиқади?

3. В.О.Ключевскийнинг куйидаги афоризмини ҳамма билади: «Ота-оналарнинг одатлари болаларнинг иллатларига айланади».

Ҳар доим шундайми? Сизда ота-онангиздан ўтган бирон-бир жиҳат борми? Уни иллат деб аташ мумкинми?

Ўйлаш учун.

1. Замонавий оиланинг инқироzi нимада аниқ номоён бўлади? Бунга ким айбдор: оилами, мактабми, жамиятми?
2. Замонавий оилаларда болага ота-оналардан кўра телевидение ва компьютернинг таъсири кўпроқми, сиз буни тасдиқлайсизми?

Мустақил иш учун топшириқлар:

1. «Ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан оилаларга ва она-болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик» (Ўзингиз яшаётган шаҳар, туман, қишлоқ, мисолида) мавзусида мини-маъруза тайёрлаб келинг.
2. Кузатинг ва кўрганингиз асосида «Замонавий оилаларда болаларни қандай тарбиялаш керак» мавзусида иншо ёзинг.

Реферат учун мавзулар:

1. Жамият фаровонлиги оила фаровонлигидир.
2. Камолотли фарзанд тарбиясининг саршачмаси оиладан бошланади.
3. Никоҳ шартномаси керакми?
4. Виждон энг олий маънавий-инсоний сифат.
5. Инсон виждонини тарбиялаш ва ҳуқуқий тарбия.
6. Инсон фикрини зийнати.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т. “Ўзбекистон”, 1997.
2. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. “Ўқитувчи”. 1996.
3. Абдуллаева Ш.А., Д.А. Ахатова ва бошқ. Педагогика. Т., 2004
4. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Т., 2005 .
5. А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
6. В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания).-М.:«Педагогическое общество России»,2005- 331 с.
7. В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.
8. ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
9. Интернет таълим федерацияси <http://www.fio.ru>
- 10.Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
- 11.Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

5- семинар машғулот.
Меҳнат ва касб тарбияси. Меҳнат этикаси ва эстетикаси.
Жисмоний тарбия.

Режа:

1. Ёш авлодни тарбиялашда меҳнат ва меҳнат тарбиясининг ўрни ва зарурияти.
2. Меҳнат тарбиясининг мазмуни ва моҳияти.
3. Ёшларни тўғри касбга йўналтириш.
4. Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг аҳамияти.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: тарбия, меҳнат, касб, этика, эстетика, жисмоний тарбия.

1. Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни етиштиришда меҳнат тарбиясининг роли ва ўрни бекиёс каттадир. Инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат ва фаолият билан боғлиқдир. Шу сабабли, меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг ижтимоий тараққиётнинг негизидир. Меҳнат тарбияси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Шунингдек, боланинг ҳар томонлама шаклланиш воситаси, унинг шахс сифатида улғайиш омили ҳамдир. Мунтазам қилинган меҳнат жараёнидагина бола ўз ақлини иродасини, ҳиссиётини, характерини ривожлантириши, шахс сифатида шаклланиши мумкин. Фарзандларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг бўлғуси қурувчиларидир. Шу сабабли кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа ҳужжатларда уларни меҳнатга қай даражада тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай экан, меҳнат фарзандларимиз учун ҳам зарурат, ҳам бурч бўлиши, бунинг учун уйда ҳам, ўқув юртларида ҳам меҳнат қилиш учун шароитлар яратилиши лозим. Агар бола кичиклигидан меҳнат қилишга ўргатилса, ўйиндан меҳнат қилишга ҳеч бир қийинчиликларсиз ўтади. Бу жараёнда катталарнинг ибрати муҳим роль ўйнайди.

Фарзандларимиз кичик ёшдан бошлаб маиший меҳнат, ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат ва ижтимоий меҳнатда иштирок этади. Меҳнат тарбиясида ютуқларга эришишда ёшларни меҳнатга ҳам руҳан, ҳам амалий жиҳатдан тайёрлаш лозим. Шунинг учун уларнинг ёши ва имкониятларига мос меҳнат турларини бажаришга жалб қилмоқ лозим.

Меҳнатга психологик, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида ўқувчида меҳнатсеварлик, интизомлилик, шижоаткорлик каби ахлоқий иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради, ўқувчиларда жамоатчилик билан бирга меҳнат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш лозим. Чунки инсон бутун ҳаёти давомида кўпчилик билан меҳнат қилади. Бу жараёнда ўқувчида меҳнат қилиш маданиятини ўстирмоқ даркор.

Ёшлар меҳнати дастлаб оилада, кейин эса ўқув юртларида амалга оширилади. Бу жараёнда айниқса академик лицей касб - ҳунар коллежларини ўрни ва аҳамияти бекиёс каттадир.

Таълим тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида таъкидланганидек, “касб-ҳунар коллеж ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорати ва малакасини чуқур ривожлантиришни танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб -ҳунар ўқув юртидир.”

Ёшлар меҳнатининг мазмуни мамлакат олдида турган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий вазифалар, вилоят ва туманлардаги кадрларга бўлган эҳтиёж, ўқув юртлирининг ички имкониятлари ва талаблари асосида белгиланади.

Аввало, таълим жараёнида меҳнат ҳақида дастлабки билим ва тасаввурларга эга бўладилар, ўқиш ҳам меҳнат эканлигини тушуниб оладилар. Ўқув режасига киритилган меҳнат дарсларида эса, меҳнат қилиш малакаларини эгаллайдилар. Бу жараёнда ўз меҳнатларининг натижасини кўриб завқланадилар ва янада яхшироқ меҳнат қилишга ҳаракат қиладилар.

2. Инсон фаолиятининг асосий тури меҳнат, атроф-муҳитни ўзлаштириш, бунёд қилиш орқали ҳам ижтимоий, ҳам шахсий эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун меҳнатга мураккаб ижтимоий ҳодисалар сифатида қаралади. Меҳнат фаолияти ўқиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу жараёнда авлодлар тўплаган билимларни кўникма ва малакаларни эгаллаш ёрдамида меҳнат фаолиятига тайёрланадилар.

Меҳнат қилиш жараёнида, синфдан ва мактабдан ташқари меҳнат, ўз-ўзига хизмат қилиш меҳнати ижтимоий фойдали меҳнат турида фаол иштирок этадилар ва чиниқадиладар. Педагогика фани меҳнат тарбиясини ташкил қилишда бир нечта талаблар кўяди:

Жумладан, меҳнатнинг ижтимоий ахлоқий аҳамиятига алоҳида эътибор бериш, меҳнат ўқувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос бўлиши, уларнинг меҳнат фаолиятлари ижодий ҳаракатда бўлиши, ўз вақтида турли касблар ҳақида маълумотлар бериб борилиши, меҳнат аҳллари билан доимо суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар.

Юқоридаги фикрлар қуйидагича илмий-амалий фикр ва мулоҳазаларни келтириб чиқаради:

Меҳнат инсон ҳаётининг зарурий шартидир. У инсон учун фақат материал, ижтимоий зарурият эмас, балки маънавий-руҳий эҳтиёж ҳамдир. Инсон боласининг ёшлигидан меҳнатга эҳтиёжий ҳаваси генетик физиологик асосга эга. Болаларда бир ёшдан бошлаб кенг ижодий фаолият шаклланади. Шу кенг фаолият жараёнида болаларнинг қизиқиши, имконият, қобилият ва лаёқатли кўринишларини топа билиш лозим. Ёшлиқдан фаолиятга ижобий муносабатга ўргатиш лозим. Меҳнат тарбияси фан асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг олган билимларининг аниқ мақсадга йўналганлигини, ишлаб чиқариш жараёнининг илмий асосларини, билим ва касбий қизиқишларини кўзда тутати. Ўқувчи бутун ўқув даврида меҳнат билан яралган бойликлар билан танишади, булар фақат эркин меҳнат қила олганларидагина юзага келишини тушунади, ўқувчи меҳнатини илмий ташкил қилишнинг биринчи дарсини ўқув жараёнида олади.

Меҳнат тарбияси оилада ғоят кўламдор ҳолда амалга оширилади. Оила бошлиқлари ва болаларнинг биргаликдаги меҳнатини ташкил қилиш ниҳоятда катта имкониятларга эга.

3. Фан ва техника тараққиёти мутахассисликка нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Бу ҳол ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, унга ўргатиш йўл ва воситаларини такомиллаштиришни тақазо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Миллий концепцияси материалларида, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига ҳам катта эътибор берилди. Мустақиллик миллий кадрлар тайёрлаш кўлами ва сифатини оширишни тақозо қилмоқда. Йирик корхоналарда миллий кадрларнинг камлиги етук мутахассисларнинг миграцияси ушбу муаммога давлат нуқтаи назаридан жиддий ёндашишни талаб этмоқда.

Касб танлаш жиддий ва масъулиятли ишдир, ўз ҳаёт йўллари жиддий суръатда белгилаб бориш жиддий масала. Бунинг учун мактаблардаги политехника системасида тўғараклар муҳим ўрин тутади, фан тўғаракларида болалар политехник савия, билимларини кенгайтиради, касб танлашга тайёрланишади. Мактабда юқори синф ўқувчилари учун “ишлаб чиқариш асослари: касб танлаш” курси ўқитилади. Касбга йўналтириш умумий ўқув тарбия жараёнида амалга оширилиши керак, ўқувчиларни касбга йўналтиришда ота-оналар ҳам манфаатдор. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа бўлиши лозим. Меҳнат тарбияси иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор муносабатлари шароити ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳим. Зеро, бу тўғрида ғамхўрлик кўрсатилмоқда, педогогларимиз тадқиқотлар олиб бормоқда. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айти шу қабилар ҳақида фикрлай олиш қабиллатни камол топтиришдир.

Касбга нисбатан қизиқишни вужудга келтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Меҳнат таълимини турмуш билан боғлаш, уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал-типологик, ёш даврлари хусусиятлари, техник қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки ҳар бир касб-ҳунар шахсдан ифодавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр-тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит-қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Меҳнат таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилонга, оптимал йўл билан ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб-ҳунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

4. Жисмоний тарбиянинг мақсади – ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан муҳофафасига тайёрлаш ётади. Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилиш зарурдир.

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт – ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш, куч-қувватни сақлаб туришнинг воситаси ҳисобланади.

Баркамол авлодни жисмоний баркамолсиз тасаввур қилиб бўлмайди, бу тарбиянинг бош мақсади жисмонан чиниққан, мард ва саботли, қатъиятли ва ватанпарварларни камол топтиришдир.

Президентимиз И.А. Каримов томонидан 2000 йилни “Соғлом авлод” йили деб эълон қилиниши бу тарбияга эътиборни янада кучайтирди. Президентимиз: “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”, деб таъкидлайди. Юртбошимиз фикрини давом эттирар экан, энг аввало ҳар бир одам ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёт қолдиришни ўйлаши зарур. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради. Эл-юрт назаридан ҳеч қачон четда қолмайди деб уқтиради. Жисмоний баркамоллик тарбия тизимида муҳим ўринни эгаллайди ва бошқа тарбиялар билан бирга амалга оширилади. Жисмоний тарбия ўз олдига қатор вазифаларини қўяди. Жумладан, организмни чиниқтириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, болаларда янги жисмоний ҳаракат турларини ҳосил қилиш ва қуроллантириш, боланинг ёшига, жинсига чиниққанлик даражасига мос келадиган жисмоний ҳаракат сифатларини ривожлантириш ва ўз соғлиғига онгли муносабатда бўлишни тарбиялашдан иборат. Бу вазифаларни ҳал қилишда жисмоний тарбия ақлий, эстетик ва меҳнат тарбиялари билан ҳамкорлик қилади. Инсоннинг соғлом ва баркамол ўсиши турли омил ва воситаларга боғлиқ. Аввало насл тоза, соғлом бўлиши керак, шу сабабли Президентимиз соғлом ота-онадан албатта соғлом фарзанд туғилишини алоҳида таъкидлайди. қолаверса, яшаш жараёнида санитария - гигиена омилларига амал қилиши, табиатдаги соғломлаштирувчи омиллар, яъни қуёш, ҳаво ва сув таъсиридан ўринли фойдаланиш ва жисмоний машқлардан фойдаланишни тақозо қилади.

Ёш авлодни жисмонан чиниқтиришда ўқув юртлари режаси бўйича ўтиладиган жисмоний тарбия дарсларининг роли ва аҳамияти бекиёс каттадир.

Бу дарслар мутахассис ўқитувчилар томонидан ўқув юрти дастурлари бўйича олиб борилади ва тиббиёт ходимлари назоратида бўлади. Жисмоний тарбия олдигаги вазифаларни ҳал этишда эрталабки гимнастик машғулотлар, физкультминутлар, физкультура байрамлари, саломатлик кунлари муносабати билан уюштирилади. Буларга ота-оналар ҳам таклиф қилинади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Комил инсон шаклланишида меҳнат ва жисмоний тарбиянинг ўрнини қандай тушунаси?
2. Меҳнат ва жисмоний тарбиянинг мақсади, мазмуни ва вазифалари нимадан иборат?
3. Меҳнат ва меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида мутафаккирларимиз қарашларида мисоллар ва мақоллар келтира оласизми?
4. Ўқувчиларни тўғри касб танлашга йўллаш учун қандай ишлар олиб бориш лозим деб ўйлайсиз?
5. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан жисмоний тарбияга эътибор кучайтирилишини сабабларини нимадан деб биласиз?
6. Меҳнат ва жисмоний тарбияни қандай йўللар билан амалга ошириш мумкин?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1-топшириқ

«Ўзбекистонни дунёга танитаётган машҳур спортчилар» мавзусида кичик эссе ёзинг.

2-топшириқ

«Меҳнат этикаси ва эстетикаси» мавзуси бўйича кроссворд тузинг.

3-топшириқ

Қуйидаги педагогик вазиятларни ечинг:

1. Кўп болали оиланинг отаси мамнун бўлиб ҳикоя қилади: Ер ағдариш биз учун ҳеч гап эмас. 1-2 кг. конфет ва печенье сотиб олиб келаманда, қани болалар бу сизларга, лекин олдин ерни чопиб беринглар дейман.

- Болалар конфетсиз ер ағдаришмайдими? – деб сўрадик биз.

- Унча тиришиб ишлашмайди-да - тушунтирди ота.

Ота қўллаган рағбатлантириш усулига қандай баҳо берасиз.

2. Учинчи синф ўқувчининг онаси ҳикоя қилади: авваллари ўғлимнинг ҳамма иши жойида эди. Мен ишламасдим, унга кўп вақт ажратар эдим, ишга кирганимдан сўнг «икки баҳолар» ола бошлади. Кечкурун дарсини текширсам, топшириқларни бир қисми бажарилмаган, бажарилгани эса ифлос, тушунарсиз бўлгани учун уни қайта кўчириш керак. Лекин қачон улгурарди? ухлаш вақти бўлиб қоларди.

4-топшириқ. Қуйидаги сатрларни ўқинг ва мушоҳада қилинг.

Турли кўшиқлар орқали гўзаллик, орзу-умид ва бошқалар тараннум этилиб, инсонда чексиз муҳаббатни таркиб топтиради. Эртақлар орқали яхшиликка меҳр, ёмонликка нафрат тарбияланади. Ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашимизда, айниқса, қахрамонлик дostonларининг аҳамияти ҳам каттадир.

Муҳокама учун мавзулар:

1. В.А.Сухомлинский шундай деган: «Болаларга бўлган меҳр-муҳаббат фақат меҳр-оқибатни тарбиялайди – худди олов чўғдан ёнгандек». Бу ҳолат билан тарбиянинг жазолаш методи мавжудлиги ўзаро мос келадими? Демак ундан (жазолашдан) бутунлай воз кечиш керакми? Нима учун?
2. Маълумки, Қадимги Спартада болаларни тарбиялашда ҳулқ-атворнинг ёмон намуналарини махсус тайёрлашган ва болаларга кўрсатишган. Масалан: қулга винони тўйгунча ичиришган ва болаларда ичкиликка нисбатан нафрат уйғотиш мақсадида кўрсатишган: болалар ичган киши ўзини қандай одобсизларча тутишини ўз кўзлари билан кўришган ва ичкиликдан сақланишни ўрганишган. Сиз ёмон ҳулқ-атворнинг мисол тариқасида амалда кўрсатилишини тарбия методи ҳисоблайсизми? Нима учун?

3. «Мен бола учун ҳар қандай жазо турини фойдали деб ҳисобламайман, қилган ёмон хатти-ҳаракати учун берилган жазога нисбатан, ўз-ўзини виждонан жазолаш кўпроқ аҳамиятли». (Локк Дж.)

Бунга жазони қўллаганда қандай эришиш мумкин? Сиз мактаб ҳаётингиздан шунга ўхшаш мисоллар келтироласизми?

Мустақил иш учун топшириқлар:

Гуруҳда қуйидаги тренингларни ўтказинг:

Тренинг 1. (тасвирланг): «Келажак мактаби». Ўйланг ва келажакда мактабларни қандай тасаввур қилишингиз ҳақида ёзинг. Бу мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини қандай тасаввур қиласиз? Мактабнинг аҳамиятини чиқариб беринг.

Тренинг 2. (диққат): «Соатлар» Кимга ўзининг қўл соати яхши таниш? Уларни қўлингиздан ечинг ва ўртага қўйинг. Соатингизнинг белгилари қанақа эканлиги ҳақида сўзланг, ўртоқларингиз сиз бу белгиларни қанчалик эслашингизни текширади.

Тренинг 3. «Юмалоқланган қор». Қатнашчилар навбат билан бирор-бир предметнинг номини айтишади. Масалан: биринчи киши «стол», иккинчи киши айтилган предмет «стол» номини такрорлайди ва унга қўшимча ўзи яна бирор-бир предмет номини айтади «диван». Худди шундай ҳамма навбат билан давом эттиради. (Бу машқ нафақат диққатни, балки хотирани ҳам ривожлантиради).

Реферат учун мавзулар:

1. Баркамол авлодни тарбиялашда меҳнат тарбиясининг зарурияти.
2. Ўзбекистонни дунёга танитишда спортнинг ўрни.
3. Инсон соғлигини сақлашнинг муҳим омиллари.
4. Санъат эстетика ҳақида тушунча.
5. Ўз касбига, мулкига виждоний муносабатда бўлиш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Соғлом авлод халқимиз келажаги. Т. 1999.
2. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. Ўқитувчи. 1996.
3. Крившенко Л.П. Педагогика. М., 2004 .
4. Абдуллаева Ш.А., Д.А. Ахатова ва бошқ. Педагогика. Т., 2004
5. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Т., 2005 .
6. А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
7. В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания).-М.:«Педагогическое общество России»,2005- 331 с.
8. Россия кутубхоналари <http://www.libs.ru>
9. Очик электрон кутубхона <http://orel.rsl.ru>
10. ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
11. Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

6- семинар машғулоти. Таълим методлари ва воситалари

Режа:

1. Таълим - шахс ривожланишининг асосий омили.
2. Таълим методлари ва воситалари.
3. Таълим ва тарбиянинг узвийлиги.

Мавзу бўйича таянч иборалар: метод, восита, усул, услуб, таълим, демократлашуви, таълимнинг устуворлиги, демократлашуви, инсонпарварлашуви, г ижтимоийлашуви миллий йўналганлиги.

1. Метод - юнон тилидан олинган бўлиб, йўл, усул, йўналтирувчи услуб деган маънони беради, яъни мақсадга эришиш йўлидир

Восита - методларни муваффақиятли амалга оширмақ учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари, асбоб-ускуна, қурол, аппарат, компьютерлар ва бошқалар.

Ўтилган «Таълим тамойиллари» мавзусида биз қуйидаги таянч ибораларга асосланиб мавзуни идрок этган эдик:

Қонуниятлар; таълим қондаси; таълимнинг илмийлиги, тизимийлиги; таълимда фаоллик ва бошқалар.

Таълим методларидан оқилона фойдаланиб, илмий дарс ўтиш, ўқувчиларни ҳаётда ўз ўрнини топишга, онгнинг шаклланишига катта асос бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчининг маълум фан илмини ўқувчилар онгига етказа олиш маҳорати, шу ўқувчиларни бўлғуси ҳаёт йўллари таллашда муҳим аҳамиятга эга. Олдин баён қилганимиздек, таълимнинг моҳияти инсон камолотини шакллантиришга хизмат қилади. Таълим методи таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ. Методлар ўқувчиларнинг ёшига, таълимнинг мазмунига ва функциясига қараб танланади. Ўқитувчи ўзининг шахсий сифатлари: комиллиги билан талабаларга ўрнак бўлиши, таълимий мақсад билан тарбиявий мақсад мутаносиблиги, фан асослари ва ғояларини чуқур билиши билан талабаларга ўрнак бўлиши талаб қилинади.

Узлуксиз таълим кадрларни тайёрлаш тизимининг асоси ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири деб, таъкидланади кадрлар тайёрлаш миллий дастурида. Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма босқичларини қамраб олади ҳамда ҳар томонлама етук баркамол авлодни етиштириш учун шарт-шароитлар яратади. Шу сабабли мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари (принциплари) белгиланади. Булар:

- таълимнинг устуворлиги,
- таълимнинг демократлашуви,
- таълимнинг инсонпарварлашуви,
- таълимнинг ижтимоийлашуви,
- таълимнинг миллий йўналганлиги,
- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги,

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилар.

Хўш, Таълим тамойиллари ким учун ва нима учун керак? У ўқувчи фаолиятига ҳам дахлдорми?

Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-қоидалари, яъни таълимга қўйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Таълимни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар, қоидалар таълим тамойилари дейилади.


Тамойиллар умумдидактик категория бўлиб, улар таълимнинг барча турлари, даражалари, субъектлари, ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма компонентларига дахлдор умумий қоидалардир.

Таълим принципларининг узвий боғлиқлиги деганда нимани тушунасиз?

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир системани ташкил этади, ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўқув юртларида бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларини ўзида ифода этиши лозим. Ўқитишнинг илмийлик тамойиллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса талаба ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.


Таълим тамойиллари тизими нимадан иборат?



2. Таълим методлари ва воситалари.

Ўқитиш усули деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қўлланган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолияти тушунилади. Ўқитиш усуллари ҳар иккала фаолиятнинг а) ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қўлланганини, б) ўқувчилар томонидан берилаётган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланади йўллари ўз ичига олади. Таълим бериш ўқитувчидан изланишни педагогик маҳоратни талаб қилади. Мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билади, керакли воситалардан ўз ўрнида фойдаланилади.

Методларни ҳар қандай муаммони уратиш ва қабул қилиш характериға қараб қуйидаги турларға ажратиш мумкин:



Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларининг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда қуйидаги методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг оғзаки методи;
- ўқитишнинг амалий ишлар методи;
- ўқитишнинг кўргазмали методи;
- муаммоли эвристик моделлаштириш методи;
- ўқитишнинг муаммоли изланиш ва репродуктив методи;
- ўқитишнинг, идуктив ва дедуктив методи.;
- ўқитишда рағбатлантириш ва танбеҳ бериш методи;
- ўқитишда назорат ва ўз-ўзининг назорат қилиш методи. Методлар ўз навбатида гуруҳларга бўлинади.

Ўқув информациясини сўз орқали узатиш ва информацияни эшитиш орқали қабул қилиш методларига нималар киради ва уларга қандай талаблар қўйилади?

Ўқитишнинг оғзаки усуллари уч турга а) ўқитувчининг ҳикояси, б) суҳбат, в) мактаб маърузасига бўлинади.

Ҳикоя усули бошланғич синфларда кўп қўлланса, юқори синфларда маъруза усули кўп қўлланилади. Таълим мазмуни нотаниш бўлса ҳикоя ва маъруза усуллари қўлланилади.

Таълим мазмуни ўқувчига қисман таниш бўлса суҳбат усули қўлланилади. Оғзаки баён қилиш усулида ҳар иккала фаолиятнинг ўқитувчининг баён қилиши ва ўқувчиларнинг шу баён қилинган билимларини диққат билан тинглаб олгли ва мустахкам ўзлаштиришлари бирлигига амал қилади.

Қандай ҳолларда суҳбат услуби қўлланилади? Уни қўллашда қандай қоидаларга амал қилиш лозим?

Суҳбат услуби - савол жавоб усули деб ҳам юритилади.

Ўқувчилар дарсга етарли даражада тайёр бўлса ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли саволларга жавобларни ўзлаштириш ахтариб топадиган суҳбатлар мақсадга мувофиқдир. Бундай суҳбатлар эвристик изланиш, ахтариб топиш характерида бўлади.

Суҳбатлар орқали а) ўқувчиларнинг ўз ҳаётларида учратган воқеа ҳодисалар юзасидан саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг мустақил фикр қилишларини амалга оширадиган ҳолатларга эътибор қилиш, б) ўқувчиларнинг илгари ўрганган таянч билимларини эсга туширишга эришиш лозим. Таълим жараёнида турли кўргазмали қуроллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Хўш, ушбу ўқув информациясини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методининг аҳамияти қандай? Кўргазмлилиқнинг қандай турлари мавжуд? деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилайлик.

Кўргазмали усулнинг муҳимлиги ўрганилаётган нарс ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мулоҳаза қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, ниҳоят назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатишдан иборат.

Ўқитишнинг репродуктив методини қачон қўллаш мумкин?

Репродуктив усуллар - ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, амалий ҳаракатларнинг усулларини таърифласа, ўқувчиларнинг билимларини мустақил қидириб ола билишлари учун жуда янги ҳисобланса, вазиятларни ҳал қилиш учун тайёр билимлар йўқ, бўлса самарали қўлланади.

Бу усулда тафаккур қилиш катта самара беради. Репродуктив усулда ўқувчилар илгари ёки яқинда эгаллаган: билимларини қўллайди.

Муаммоли таълим нима? Қандай қилиб муаммоли вазият яратиш мумкин?

Муаммоли дейилганда ўқув материалини ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади.

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида мантиқий туғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга Рағбатлантирадиган муаммоли вазиятлар вужудга келади.

Муаммоли вазиятда:

ўқувчи учун билиш қийинчилигига эга, яъни ўрганилаётган муаммо устида фикр юритиш;

ўқувчиларда билишга қизиқиш уйғотиш;

таҳлил жараёнида ўқувчиларнинг аввалги тажрибаси ва билимига суяниш.

Таълим жараёнида ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усулларига эҳтиёж сезилмоқда. **Қандай ҳолда индуктив ва дедуктив услублар қўлланилади?** дедуктив услубда тафаккур қилиш катта самара беради. Индуктив ёки дедуктив услубларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантиқини - хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишни танлашни англатади.

Индуктив услублар техник курилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади.

Дедуктив услуб ўқув материални тезроқ ўтишга ёрдам беради, тафаккурни бир мунча фаол ривожлантиради

Назарий материални ўрганишда анчагина умумий ҳолатлардан айрим оқибатларни аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив усулни қўллаш айниқса фойдалидир.

Таълимда рағбатлантириш ва танбех беришнинг қандай турларидан фойдаланилади?

1. Таълимга қизиқишни рағбатлантириш методи.

2. Таълимга бурч ва масъулиятни рағбатлантириш методи.

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш деб кишининг актив фаолиятига бўлган ташқи майлига айтилади. Шу сабабли рағбатлантириш ўқитувчи фаолиятининг омили ҳисобланади.

Рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари ўзига хос хусусиятларга эга. Рағбатлантириш: баҳо билан, имо - ишора билан, мукофот билан амалга ошади. Ўқишга доир танбехлар дарс пайтида, оғзаки танбех, бериш, баҳосини пасайтириб қўйиш, иш дафтарига ёзиш, хатоларни кўрсатиш каби усуллар билан амалга ошади.

Мактабда ўқувчига тан жазоси бериш, ўзлаштирмагани учун ҳақорат қилиш, шахсига тегиш, ёмон иборалар билан сўқиш асло мумкин эмас.

3. Талабалар билан бўлган мулоқотда, уларга билим бериш жараёнида ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши лозим. Таълим-тарбия жараёни узвий жараёндир. Таълим бериш жараёнида тарбиялаётганлигимизни унутмаслигимиз лозим. Сухандонлик, киноясиз сўзлаш, ўқитувчига хос кийиниш этикаси, фикрни эркин баён қилиш ва уни тамасиз етказа олиш хусусиятлари ўқувчилар учун амалий кўргазма эканлигини унутмаслик керак. Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди.

Таълим методларини тўғри танлаш ва улардан ўринли фойдаланиш таълим самарасини таъминлашга ёрдам беради.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таълим тамойилларининг аҳамияти нимада?
2. Таълимнинг илмийлик тамойили моҳиятини қандай тушунасиз?
3. Таълимда назария билан амалиётнинг боғлиқ бўлиши тамойилини мутахассислигингизга боғлаб тушунтира оласизми?
4. Таълимни тарбияловчилик имкониятларидан фойдаланишнинг педагогик жараёндаги аҳамияти нимадан иборат?
5. Таълим жараёнининг кўрсатмали бўлиши таълим самарасига қандай таъсир кўрсатади?
6. Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб олиш тамойилига мисол келтиринг.

7. Таълим жараёнида ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш таълимининг моҳияти нимадан иборат?
8. Ўқитиш методларининг таълим жараёнидаги аҳамияти қандай?
9. Услуб ва восита нима? Уларнинг моҳиятини очиқ беринг.
10. Ўқитишнинг оғзаки методи қандай турларга бўлинади?
11. Ўқитишнинг кўргазмали методларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар қандай?
12. Ўқитишнинг амалий методларига нималар киради?
13. Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли изланиш методларини қайси ҳолларда қўллаш яхши самара беради?
14. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методларини қўллашга доир мисоллар келтиринг (Мутахассислик фанингизга оид)

Мавзу бўйича топшириқлар:

1-топшириқ

Таянч атамалар ёрдамида бир неча педагогик масалалар тузинг.

2-топшириқ


Агар сиз ўқитувчи бўлганингизда таълим тизимини яхшилаш учун яна қандай методларни тадбиқ этган бўлардингиз?

3-топшириқ

Муаммоли изланиш ва репродуктив методларининг қўлланилишини ўз мутахассислик фанингиз мисолида айтиб беришга тайёрланинг.

4-топшириқ

Схемани тўлдириг



5-топшириқ

Схемани тўлдириг:

Таълимнинг оғзаки		Таълимнинг амалий методлари		Таълимнинг муаммоли методлари	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги

6-топшириқ

Таълимнинг тизимлилик ва изчиллик принципларини амалга ошириш қоидаларини мутахассислигингизга оид мавзу мисолида баён этинг.


7-топшириқ

Кўргазмалилик ва онглилик принципларининг ўзаро боғлиқлиги, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш қоидалари тўғрисида мини маъруза тайёрланг.

8-топшириқ

Қуйидаги намунага қараб маъруза бўйича «Қисқа маълумот варақаси»ни тузинг:

Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари



Муҳокама учун мавзулар:

1. Нима қийинроқ: яхши ўқитишми ёки яхши ўқишми?
2. Қайси ҳолатларда дидактикани ўқитиш назарияси, қайси ҳолатларда – ўқитиш санъати дейишади? Сизнинг фикрингизча, нима учун дидактика – бу фан эмас деган нуқтаи назар мавжуд. Ушбу хулосага «ҳа» ва «йўқ» деган аргументлар келтиринг.
3. Дидактика ўз-ўзига таълим беришнинг назарияси бўла оладими, яъни бу ерда ўқитувчи катнашмайди.
4. Илмий анжуманда маъруза ўқиётган олим ўз коллегаларини ўқитиш билан шуғулланадами?

Мустақил иш учун топшириқлар:

Қуйидаги намунага қараб “Маърузанинг таянч схемаси”ни тузинг:

Метод - юнон тилидан олинган булиб, йўл, усул, йўналтирувчи услуб деган маънони беради, яъни мақсадга эришиш йўлидир

Ўқитиш усули деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолияти тушунилади.

Ўқитиш усуллари ҳар иккала фаолиятнинг а) ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, б) ўқувчилар томонидан берилаётган илмий билим, кўникма ва малакарни ўзлаштириш фаолиятида қўлланади йўллари ўз ичига олади.

Таълим методлари

1. Сўз орқали;
2. Кўргазмали;
3. Амалий

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда қуйидаги методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг оғзаки методи;
- ўқитишнинг амалий ишлар методи;
- ўқитишнинг кўргазмали методи;
- муаммоли эвристик моделлаштириш методи;
- ўқитишнинг муаммоли изланиш ва репродуктив методи;
- ўқитишнинг, идуктив ва дедуктив методи;
- ўқитишда рағбатлантириш ва танбех бериш методи

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т.Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Соғлом авлод халқимиз келажаги. Т. 1999.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т.1996.
4. Мунавваров А.К. Педагогика. ”Ўқитувчи”. 1996.
5. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т. 1997.
6. Таълим тўғрисидаги қонун. Т.1997.
7. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. Ўқитувчи. 1996.
8. Крившенко Л.П. Педагогика. М., 2004 .
9. Абдуллаева Ш.А., Д.А. Ахатова ва бошқ. Педагогика. Т., 2004
10. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Т., 2005 .
11. А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
12. В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания).-М.:«Педагогическое общество России»,2005-331 с.
13. В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.
14. Россия кутубхоналари <http://www.libs.ru>
15. Очик электрон кутубхона <http://orel.rsl.ru>
16. ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
17. Ватан тарихи <http://www.lants.tellur.ru>
18. Интернет таълим федерацияси <http://www.fio.ru>
19. Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
20. Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

7- семинар машғулоти.

Таълим-тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари (2соат)

Режа:

1. Таълим шаклларининг тарихан пайдо бўлиши.
2. Дарс - таълимнинг асосий шакли, хиллари ва тузилиши.
3. Дарсга қўйилган асосий талаблар.
4. Таълимнинг самарадорлигини таъминловчи бошқа шакллари.

Мавзу бўйича таянч иборалар: таълимни ташкил этиш, машғулот, синф-дарс, меҳнат фаолияти, билим бериш, ўргатиш, гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитишни, самарадорлигини ошириш, синф, дарс, ғоявий, мафкуравий изланиш.

1. Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда, умумтаълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, тўплаб ўқитишни тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган.

Шу даврга келиб ўқитишнинг махсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида синф-дарс тизими пайдо бўла бошлайди. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шуғулланганлиги “Авесто” ва бошқа тарихий манбалардан маълум. Аммо қадим даврларда таълимни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Фаробийнинг “Фан ва ақл заковат” асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида, таълим ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А.Коменский “Буюк дидактика” асарида, ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш, машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг

ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диққатини тўплаш, материални батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда Педагогика фани олдида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шакллари самарадорлигини ошириш, айниқса, дарсни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий услубий ва амалий муаммоларни ҳал этувчи тадқиқотлар олиб боришда кўп ишлар қилинди. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар тадбиқ этиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқда.

2. Синф деганда, ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳи тушунилади.

Дарс – аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотдир.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми таълим стандартлари (ўқув режа, дастур, дарслик ва қўлланма) асосида белгиланади. Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда қуйидагиларга амал қилиниши лозим:

1. Ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлиши лозим.

2. Дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилиши керак.

3. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

4. Дарс, ўқув фанининг характери, ўтилатган материалнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситаларда олиб борилади ва таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштирмоқ учун замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим ишлари фақат синф-дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам олиб борилади. Бу машғулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида факультатив машғулотлар, тўғараклар, экскурсиялар шаклида олиб борилади.

Таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларнинг тузилишига ҳам алоҳида муаммо сифатида қаралади ва ўрганилади.

Дарс билим, кўникма ва малакалар билан ўқувчиларни қуроллантиришда асосий роль ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуйидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш.
3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарслари.
4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиши ва баҳолаш дарслари.

5. Дарс турлари, уйғунлашган дарслар.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиши дарсидир.

Бу дарснинг тузилиши қуйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ ўтказиш.
5. Янги билимларга боғлиқ уй машғулотлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарснинг тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари уйғунлашган дарсларида дарснинг ҳамма элементлари мавжуддир:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Уй топшириқларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзунини баён қилиш.
4. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.
5. Уй топшириқлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади.

Ўқитувчи дастурнинг маълум бир қисми, йирик мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг бундай дарслар уюштирилади.

Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади.

3. Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши дарс олдида катор дидактик талабларни қўяди. Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш кўргазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга эга бўлиши лозим. Ўқитувчи эса улардан тарбиявий мақсадда фойдаланмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс мактабнинг, ижтимоий муҳитнинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоғи, кўрсатмали воситалар билан жиҳозланмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс характерида мос усул, услуб ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

5. Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш ва унумли фойдаланиш даркор.

6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозим, ўқувчи талаба пассив тингловчига айланмаслиги лозим.

7. Машғулотлар бутун синф билан ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда олиб борилиш керак.

8. Дарснинг мазмуни ва характериға қараб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан, маънавий қадриятларидан самарали фойдаланиш.

9. Ўтилаётган мавзунинг мазмуниға боғлиқ ҳолда мустақил юртимиздаги ўзгаришлардан ўқувчи талабаларни хабардор қилиш.

10. Дарсда Президентимиз И. Каримовнинг таълим соҳасидаги фикрлари, юртимиз келажаги бўлган ёшларимизга, фарзандларимизга қарата айтган мурожаатларидан ўз ўрнида фойдаланиш.

4. Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил қилишға боғлиқдир. Бу даврда синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш, болаларни дарсни тинглашға руҳий жиҳатдан тайёр эканликларини ўрганиш даркор. Шундан сўнг, маҳоратли педагог фурсатни қўлдан бермай, шогирдлари диққатни чалғитмай, дарснинг асосий қисмини бошлаб юборадилар, чунки синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотға фаол киришишларини таъминлаш лозим. Дарс янги материални баён қилишға қаратилган бўлса, дарс мавзуси эълон қилинади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта яқунланиши, хулосалар чиқарилиши керак.

Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина ўқувчилар мустақил эркин фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади. Нутқ маданияти ривожланади. Муаммоли вазият изланишлар орқали ўз йўлини топа оладилар.

Ўқув машғулотларининг синфдаги шакли дарсдан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд, бўлиб, булар амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультативлар, экскурсия кабилардир.

Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш учун уюштирилган қўшимча машғулотлардир.

Булардан ташқари ўқув юртлари тажрибасида фан тўғараклари, ишлаб чиқариш амалиёти, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд.

Жумладан: икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд, буларға маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очик маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, ўқув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш ишлари кабилар олий таълимнинг кўп қиррали йўналишлари ва шаклларидир.

Олий таълим тизимида маъруза ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у талабаларға фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришға хизмат қилади. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини

тушуниб боради ҳамда уларни эркин фикрлашга, фан устида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқиш лозимки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий эътиқод, ғоя ва миллий мафкура асослари шаклланин. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижа беради. Бунинг учун маъруза жараёнида ҳам таълимий, ҳам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йўллардан бири – ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишдан иборат.

Бундан ташқари дарс ва маърузанинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёндаги руҳий ҳолатларини қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш, унинг дарс, маъруза ва бошқа шаклларида ўқитиш жараёнида ўринли фойдаланишлари учун шубҳасиз, ўқитувчининг педагогик маҳорати, педагогик маданияти, ўз предметини пухта билишлиги ва ўқувчи талабалар билан умумий тил топа олишлиги ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим самарадорлигини ошириш зарурати ҳақида нималар ёзилган?
2. Таълим шакллариининг пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Таълимни ташкил этишнинг дарс шакли қачон пайдо бўлди ва унинг моҳияти нимадан иборат?
4. Дарсга қандай талаблар қўйилади?
5. Дарснинг қандай хиллари (турлари) бор ва улар қандай тузилишга эга?
6. Семинар ва амалий тажриба ишлари шаклидаги машғулотлар қандай ташкил этилади?
7. Экскурсиялардан қайси вақтларда фойдаланилади?
8. Таълимни ташкил этиишиинг қандай ноанъанавий шакллариини биласиз?
9. Мунозара, дебат, уйин, мушоира, суд шаклидаги машғулотлар ҳақида қандай тушунчагаа эгасиз?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1-топшириқ

Мутахассислигингизга оид дарсликдаги бирор мавзу асосида ноанъанавий шаклдаги машғулот учун ишланма тузинг (Турли интерфаол усуллардан фойдаланиб).

2-топшириқ

Анъанавий ва ноанъанавий таълим шаклларига муносабатингизни ёзма баён этинг.

3-топширик

Анъанавий ва ноанъанавий таълим шакллари таккослаб куйидаги чизмани тулдиринг:

Таълимнинг анъанавий шакли		Таълимнинг ноанъанавий шакли	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги

4-топширик

«Мен гуруҳ, сардори бўлганимда» мавзусида 5 минутлик эссе ёзинг.

5-топширик

Қуйидаги педагогик вазиятларни ечинг:

1. Анвар математикадан биринчи марта «уч» баҳо олди. У кундаликни ўқитувчи қўлидан олиб, ростдан ҳам уч олганига ишонди. Жойига бориб ўтирди. У бу муваффақиятдан жуда хурсанд эди. Энди бошқа фанлардан ҳам иккисини тўғрилашни, «тарбияси оғир» деган номдан қутилиши, онасини хурсанд қилишни ўйларди. У ширин хаёллар билан дарснинг ярми ўтиб кетганини сезмай қолди. У кундаликдаги баҳосига қараб тўймасди. Шу пайт ўқитувчи :

- Нима учун кундалик билан ўйнаб ўтирибсан? Қани менинг саволимни такрорлачи, деб қолди. Анвар саволни такрорлай олмади.

- Кундалигингни менга бер, - деди ўқитувчи. Анвар кундаликни стол тагига яширди. Бу оловга мой сепгандек бўлди, Анвар эътироз билдирмоқчи бўлди, лекин ўқитувчи бола катта орзулар билан эслаётган «уч» баҳони «икки»га ўзгартириб қўйди.

Савол: Ўқитувчи хатога йўл қўйганини тушундимиз? Бу ҳолда қандай йўл тутиш керак эди? Ўқитувчи қўллаши мумкин бўлган ҳолатлар вариантларини беринг.

2. Ўқувчи ўзининг севимли ўқитувчиси ҳақида шундай эслайди: «У дарсни шундай ташкил қилардики, ўзини жуда билагон киши сифатида ажратиб кўрсатмасди. Ҳеч ким унга ўз фикрини айтишдан қўрқмасди. Биз дарсдан доимо кўнглимиз тўлиб, хатто ўзимизга ишончимиз ортиб ошар эди. У дарсда ҳар бир ўқувчининг имкониятидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиларди. Бизга баъзан у дарсда иштирок этаяптию, лекин биз уни олиб бораётгандек туюларди. У ҳеч қачон «Бундай эмас!» деб фикрни кесиб қўймасди. Агар биз ноҳақ бўлсак у йўналтирарди, ишонтирарди, асосларди. У шунчалик ролини уйнамасди, балки биз билан яшарди».

Савол: Ўқувчининг ўқитувчи фаолиятига берган баҳосини таҳлил қилинг. Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи қандай психологик қонуниятлардан фойдаланган? Ўқитувчи муваффақиятининг сири нимада?

3.Синфда қатор йиллар давомида сайланган қатъий «фаоллар» бошқариб, «пассив»лар уларга бўйсиниб келди. Лекин кейин улар бу ҳолатга қарши чиқа бошлашди. Янги синф раҳбари олдинги ўқитувчининг хатосини тўғрилаш мақсадида қатъий чора кўрди. Синфда қайта сайлов ўтказилиб, «фаоллар» ўрнини «пассивлар» эгаллади. Лекин бир-икки ҳафтадан сўнг сайлов ўзини оқламаганлиги аниқ бўлди. Янги фаолларнинг бир қисми ўз мажбуриятини бажаришдан бош тортса, иккинчи қисми куч билан тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишди. Синфда янги гуруҳлар ташкил топиб, «пассивлар» икки баробар ортиди.

Савол: Ўқитувчи қандай хатога йўл қўйди!? Бу вазиятда қандай йўл тутиш керак эди? Қандай ҳол актив жамоани жипслаштиришга ёрдам берарди? Мактабда ўз-ўзини бошқаришнинг қандай хусусиятлари бор?

4. VI Б синф раҳбари ўқувчилар ўртасида норасмий сўров ўтказиши натижасида камсукум Анвар синфдаги энг фаол Бахтиёрдан кўра катта обрўга эга эканлигини аниқлади. Бахтиёр синфком эди.

Савол: Шунга асосланиб Бахтиёр нотўғри сайланган, уни Анвар билан алмаштириш керак деган хулосага келиш мумкинми? Синф раҳбари қандай йўл тутиши керак?

Муҳокама учун мавзулар:

«Бола тарбиясига жамоанинг таъсири» ва **«Жамоага боланинг таъсири»** мавзуларида мунозара ва дебат уюштиринг. Икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ, жамоанинг болага (шахсга) таъсирини, иккинчи гуруҳ шахснинг (боланинг) жамоага таъсирини ёритиб ўзаро мунозара уюштиришсин. Бунда ҳар гуруҳ, ўз қарашлари ва ғояларини ҳаётий мисоллар билан асослаб беришга ҳаракат қилиши лозим,

Мунозарада қуйидаги маълумотларга таянишни унутманг. Жамоанинг бола тарбиясига таъсир кўрсатиш шакл ва услублари қуйидагилар;

- Жамоанинг жамоат фикрига таяниши.
- Ўқувчилар жамоасида танқид ва ўз-ўзини танқидини ривожлаштириш.
- Ўқувчиларнинг синф мажлиси.
- Синф деворий газетаси.
- Макро ва -микро гуруҳда лидернинг ўрни.

Мустақил иш учун топшириқлар:

Гуруҳда қуйидаги тренингларни ўтказинг:

Тренинг 1. «Мени тушун». Қатнашчилардан бири ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали табиатнинг бирор-бир кўринишини ифодалайди. Гуруҳнинг қолган аъзолари ҳатти-ҳаракат мазмунини топишади. Масалан: Ёмғир. Жимлик....

Тренинг 2. «Предметни узат» Қатнашчилар доира бўйлаб тасаввуридаги нарсани узатади. Кимга узатилса уни қилиб олади ва кейингисига узатади. Таҳлил жараёнида эътибор шунга қаратиладики, қатнашчиларнинг узатилган

тасаввуридаги нарсани қандай тиклаши ва унга муносабати унинг шахс сифатидаги таасуроти қанчалик кенглиги ва ҳиссиётларига боғлиқ.


Тренинг 3. «Менинг коинотим». Доира ясанг ва ундан нурлар чиқаринг, нурлар учига яқин доиралар ясанг. Марказий доирага «Мен», бошқа доираларга гапнинг қўшимчасини (давомини) ёзинг:

- Мулоқот мен учун – бу
- Мен одамлар билан мулоқот қиламан, чунки
- Мулоқотда асосийси...
- Ҳозир менинг кайфиятимдаги ранг...
- Менда бугун туғилган муаммолар, саволлар...билан боғлиқ
- Мен сенга савол бермоқчиман...

Тренинг 4. «Ҳурмат ойнаси». Доирада ўз портретингизни чизинг. Сиз ўзингизда инсонларга, болаларга ҳурматни тарбиялаш учун, улар ҳурматига сазовор бўлиш ва ўзингизда ўз қадр-қимматингиз ҳиссини ривожлантириш учун ўз устингиз устида қандай ишлайсиз.

Бошқаларни ва ўзимни
ҳурмат қилиш учун,
мен ҳаракат қиламан _____

Мен ўз-қадр-қимматимни
биламан, чунки _____



Реферат учун мавзулар:

1. Таълим тамойиллари.
2. Таълимда назария билан амалиётни боғлиқ бўлиши.
3. Таълим жараёнининг кўрсатмали бўлиши.
4. Билимларни пухта ва системали ўзлаштириб олиш.
5. Таълим жараёни ва тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш.
6. Таълим методлари ва воситалари.
7. Интерфаол ўқитиш методлари.
8. Янги педагогик технология тарихи.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1997.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Т. 2000.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. Ўқи-тувчи. 1997.
4. Педагогика. Қўлланма. (Мунавваров А. таҳрири остида) Т. “Ўқитувчи”. 1997.
5. Ёдгоров Р. Маърузанинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари. “Таълим ва тарбия” журнали. 1997. № 1-2.
6. А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
7. В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания).-М.:«Педагогическое общество России»,2005- 331 с.
8. В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.
9. Очик электрон кутубхона <http://orel.rsl.ru>
- 10.ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
- 11.Ватан тарихи <http://www.lants.tellur.ru>
- 12.Интернет таълим федерацияси <http://www.fio.ru>
- 13.Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
- 14.Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

8- семинар машғулот.
Таълим тарбия жараёнини ташкил қилиш.
Бошқариш тизими ва ишлаб чиқариш (2соат)

Режа:

1. Педагогик бошқариш тушунчаси.
2. Таълим тарбия тизимида раҳбарлик қилиш принциплари.
3. Таълим-тарбияни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: таълим тизими, бошқарув тамойиллари, умумий ўрта мактаб, касб-хунар таълими, раҳбарлик тамойиллари, маънавий янгилаш, ишлаб чиқариш.

1. Халқ маорифини бошқариш давлатимиз сиёсатининг бевосита ифодасидир.

Умумий ўрта ва касб -хунар таълимининг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора яқинлаштириб, бирлаштирмоқда.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, ХХI асрнинг эркин фикрли, ўз ватани ва халқини манфаатларига садоқатли ёрқин шахсларни вояга етказишда намоён бўлади. Бу мақсадга эришиш умумий демократик янгилашлар жараёни, жамиятни эркинлаштириш, мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш билан боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ қилиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз фаровон қудратли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи лозим.

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотлари, табиийки, энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараёндир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги - эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш, биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик кадриятларни сингдириш орқали таъминланади.

Жамиятни маънавий янгилаш жараёнида, шунга асосланган ҳолда Ватан маданияти ва миллий санъатини ривожлантириш, уларнинг ютуғини хорижий мамлакатларида тарғиб ва ташвиқ этиш, ёйиш, миллий ва халқаро танловлар, кўриклар ўтказиш каби чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш айниқса, ёшлар бадиий ижодиётини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи, Ўзбекистон халқларининг бадиий, фалсафий ва педагогик тафаккури шаклланиши ва ривожланиши тарихи, этнография, этногенез, адабиётшунослик, ижтимоий-гуманитар

фанларнинг барча йўналишларини янги савияга кўтариш талаб қилинади. Мазкур муаммолар доирасида илмий изланишлар олиб боришнинг концептуал асослари Ўзбекистон Президентининг “Тарихий хотирасиз - келажак йўқ” рисоласида чуқур таҳлил этилиб, бошлаб берилган.

Маънавий янгиланиш жараёни миллий байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар шаклида мавжуд бўлган тараққийпарвар миллий қадрият ва анъаналарни қайта тиклаш, уларни ривожлантириш ва замонавий ҳаётга жорий этиш билан ҳам узвий боғлиқдир.

2. Таълим олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, маорифнинг ўрни ва ролига янги авлодни тарбиялаш нуқтаи назаридан қараб, Олий Мажлис материалларида, Президентимиз маърузаларида, махсус қарорларида раҳбарликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Таълим тизимига илмий раҳбарлик асосларини ишлаб чиқиш педагогика учун асосий йўналишдир. Баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, бу жараённинг қонуниятларини очиб бериш, педагогика назариясининг асосий масалаларини таълим амалиётига ва фан ютуқларини назарда тутган ҳолда И.А.Каримов асарлари асосида ижодий ҳал қилиш педагогиканинг бурчидир.

И.А. Каримов ўз асарларида келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг органларини ташкил этиш, бошқариш ва уларнинг раҳбарлик фаолиятига доир муҳим принципларини ҳар тарафлама муфассал ишлаб чиқди.

Илмийлик ва педагогика фани амалиёт билан боғланиш принципи.

Бу принцип халқ таълими органлари ва мактабнинг ҳамма ишини Ўзбекистон Республикаси давлатининг кўрсатмаси, фан ва техника ютуқлари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари асосида амалга оширишни талаб этади. Чунки идора қилиш учун ишни билиш керак. Ҳамма нарсадан хабардор бўлмасдан туриб, тўла-тўқис билимга эга бўлмасдан туриб, идора қилиш илмини билмасдан туриб, бошқариш мумкин эмас. Халқ таълими ишларини, мактаб ишини, касб-хунар коллежлари ишини ва унга раҳбарлик қилишда кўзланган мақсадларга эришиш учун миллий мафкура, миллий ғоя, педагогика, педагогика тарихи, психология, хусусий методика, мантиқ, этика ва эстетика каби фанлар эришган ютуқларни мунтазам ўрганиб бориш, таҳлил қилиш ҳамда бу муваффақиятларини кенг қўлланиши зарур.

Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил етилган масалаларини ўз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ ошириш ишини таъминлаш керак.

Демократик марказлашган принцип.

Таълим тизимини бошқаришда марказлашган раҳбарликни кенг демократия билан мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш, ўзига хос хусусиятларни ва шарт-шароитларни ҳисобга олиш имконини беради.

Юқоридан туриб, бир хил андоза бичиб бериш демократия ва марказлашган раҳбарликка бутунлай ёт нарсадир. Барча тадбирларда, маҳаллий хусусиятларда ишга қандай муносабатда бўлиш усулларида, назоратни амалга ошириш усулларида, ҳар хил йўллари қўлланиш асосий, муҳим бўлган бирликларни бузмайди, балки бу бирликни таъминлайди.

Илмий режалаштириш таълимнинг инсонпарварлик (тамойиллари), таълимда ёшларни шахсий ўқув қобилиятини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш ва бошқа принциплари мавжуд.

Ишлаб чиқариш ва таълим тизими.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқув ишлаб чиқариш мажмуасининг (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади, дейилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликда илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб қувватланади.

Таълим тизимини ҳаёт билан ва мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати билан боғланганлик принципи.

Таълим тизими ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Ўзбекистон мактаблари, касб-хунар коллежлари олдида турган барча назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишда асосий принцип бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Таълим тизимини бошқаришга сиёсий ёндошиш таълим-тарбия ишларидаги ҳодиса, факт ва жараёнларга мустақил Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиш демакдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон халқининг иродаси ва манфаатларини ифодалаб, келажаги буюк давлат қуришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга қодир бўлган баркамол авлодга таълим-тарбия беришни таълимнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш, миллий онгни шакллантириш, Президентимизнинг ҳаёти ва фаолияти тимсолида, тажрибаси негизида тарбиялаш зарур.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Халқ таълимини кенг ёйилиши, миқдор ва сифати жиҳатидан жадал ўсиши, турли хилдаги таълим тизими ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув-тарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг жуда зарурлигини тақозо этади. Социал бошқариш масалалари илмий билимнинг махсус соҳаси қилиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ҳодисаларни ва объектларни бошқаришда

педагогика қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади.

Барча типдаги ўқув юртлари, мактабдан ташқари муассасалар, халқ таълими бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим-тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси пировард натижада ягона асосий мақсадга эришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган ва имон-эътиқодли қилиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилгандир. Халқ таълими тизими таркибига вазирликлар, туман халқ таълими бўлимлари, мактаблар, лицей, касб-хунар коллежлари киради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардир:

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасадан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий доираси.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда раҳбарлик қилиш:

- давлат таълим стандартлари, мутахассисларининг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш:

- давлат таълим муассасаларини молиялаш Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

Таълимни ривожлантириш фондлари.

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасида маорифга бевосита раҳбарлик қилади. У барча типдаги мактаблар, боғчаларга раҳбарлик қилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги барча университетларга, касб-ҳунар коллежларига, лицейларига, билим юртларига раҳбарлик қилади. Олий ўқув юртлари учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Халқ таълими вазирлиги “Таълим ҳақида”ги қонуннинг бажарилиши, мактабларда ўқув-тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, унинг моддий базаси, ўқитувчиларнинг малакаси ва катталар таълимининг ташкил этилиши учун жавоб берадилар. Халқ таълими вазирлигида турли хил ўқув-методика бўлимлар ташкил этилади. Улар педагогика жамоатчилигини халқ таълими бўлимлари ва мактабларга ёрдам беришга жалб этадилар.

Туман, халқ таълими бўлимлари ўзларига қарашли мактаблари фаолиятини, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат қиладилар.

Бошқариш ва раҳбарлик принциплари

Ўзбекистон Республикаси мактаб ва бошқа ўқув-тарбия муассасалари барча ишлаб чиқаришнинг асосида бошқарилади.

Демократик централизм, режалилик ва илмийлик бу принципларнинг асосийсидир. Демократик централизм принципи марказлаштирилган раҳбарлик демократия, жойларда аниқ шароитларни (миллий хусусиятлар, у ёки бу ишлаб чиқариш соҳаларининг устунлиги шаҳар ёки қишлоқ, туман ва бошқалар) ҳисобга олувчи ташаббускорликнинг ривожланиши билан бирга қўшиб олиб боришни назарда tutади.

Режалилик принципи

Таълим ва тарбияга оид ишларнинг ҳаммаси юқоридан пастгача режалаштиришни билдиради. Халқ таълимининг барча соҳаларини ривожлантириш режалари тузилади, барча ўқув-тарбия муассасаларининг иш мазмуни белгиланади. Ҳар бир мактабда перспектив режа (режа камида уч йиллик), йиллик иш режаси тузилади. Йиллик режа мактабнинг ўтган йили ичидаги ишнинг таҳлилини, умумий таълимни таъминлаш (махсус мактабларда эса болаларни танлаб олиш) тадбирларини ўқув-тарбия ишларининг

вазифалари ва мазмунини, ташкилий педагогик тадбирлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Директорнинг, унинг муовинларининг иш режалари алоҳида тузилади.

Илмийлик принципи

Ишнинг шундай ташкил этилишини назарда тутадик, бунда жамият тараққиёти қонуниятлари ҳамда экономика, педагогика, психология, гигиена ва бошқа соҳаларда ҳозирги замон фани ютуқлари ҳисобга олинади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижа?
2. Эркин шахсни шакллантиришнинг асосини нима ташкил этади?
3. Маънавий янгиланиш деганда нимани тушунаси?
4. Илмийлик ва педагогика фани амалиёт билан боғланиш принципи аҳамиятини тушунтириб беринг.
5. Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида қандай талабларга мувофиқ ошириш ишини таъминлаш керак?
6. Демократик марказлашган принципи аҳамиятини тушунтириб беринг.
7. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларини изоҳлаб ўтинг.
8. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида ишлаб чиқаришнинг ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?
9. Таълим тизимини ҳаёт билан ва мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати билан боғланганлик принципи аҳамиятини тушунтириб беринг.
10. Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунида кўрсатиб берилган. Улар қайсилар?
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига нималар киради?
12. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий доирасига нималар киради?

Мавзу бўйича топшириқлар:


1-топшириқ

Қуйидаги мавзулар бўйича доклад тайёрлаб, мазмунини аудиторияга етказинг:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ва ҳужжатлари.
2. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.
3. Билим олиш ва педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи.
4. Таълим муассасининг ҳуқуқий мақоми.
5. Ўзбекистонда таълим тизими ва турлари.
6. Таълим жарани қатнашчиларини ижтимолий ҳимоя қилиш.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари.
8. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доираси.

2-топширик

Куйидаги намунага қараб тайёрлаб келинган докладларнинг «Таянч схемаси»ни тузинг:




3- топширик

Мавзу билан танишишдан олдин нима тушунарсиз эди, мавзу билан танишгандан сўнг нималар ойдinлашди ва сиз учун нималар тушунарсиз бўлиб қолди.

Мавзу билан
танишгандан сўнг

Нималар тушунарсиз
бўлиб қолди?



Мавзу билан
танишгандан олдин

Тушунарсиз бўлиб
қолган тушунчаларни
қандай ўрганмоқчисиз?

Мустақил иш учун топшириқлар:

Талабаларнинг таълим жараёнини бошқаришдаги субъектив функцияларини кенгайтириш бўйича раҳбар, ўқитувчи ҳаракатлари тизимини тавсия этинг.
(Таълим жараёнини бошқаришнинг административ даражасида алоҳида аҳамият беринг)

Реферат учун мавзулар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарида таълим тарбия масалалари.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида педагог-кадрлар тайёрлаш масалалари.
3. Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими учун кадрлар тайёрлаш муаммоси.
4. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг эълон қилиниши ва таълим тизимидаги ислохотлар.
5. Жаҳон мамлакатларида педагогиканинг Фан сифатида ривожланиши.

АДАБИЁТЛАР:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1997 й, 29 август.
2. Тошмуродова Қ.А. “Таълим-тарбияни режалаштириш хусусиятлари”. 1993.
3. Турсунов Й., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1996.
4. А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
5. В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания).-М.:«Педагогическое общество России»,2005- 331 с.
6. В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.
7. ЎзМУ <http://www.nuu.uz>
8. Ватан тарихи <http://www.lants.tellur.ru>
9. Турли ахборотлар <http://www.bilimdon.uz>
10. Ўзбекистон республикаси <http://www.gov.uz>

9- семинар машғулот.

Ёшларнинг маънавий-интеллектуал сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш усуллари (2соат)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим ва тарбия тизимини ташкил этиш тўғрисида.
2. Ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг мақсад ва вазифалари.
3. Маънавий -интеллектуал сифатларини замонавий усулларда аниқлашнинг самарадорлиги.
4. Ишлаб чиқариш ташкилотларида ёшларни рағбатлантиришнинг ўзига хос усуллари.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: Олий таълимни такомиллаштириш, ривожлантириш, шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, замонавий ўқитиш методлари ва технологиялари, босқичма-босқич, таълимни фундаментлаштириш, етук рақобатбардош мутахассис.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим ва тарбия тизимини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ва шахсан ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов Олий таълимни такомиллаштириш, ривожлантириш ва туб мақсадларини аниқлаб бериш масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши бунинг яққол мисолидир. Кадрлар тайёрлаш миллий модели бу – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради. Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари раҳбариятлари ўз навбатларида дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия ва бошқа давлатларда қўлланилаётган замонавий ўқитиш методлари ва технологияларидан андоза олиб, Олий таълим ислохатларини изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириб келмоқдалар. Давлат таълим стандартларининг ва ўқув режаларининг янги авлоди яратилмоқда.

Таълимни фундаментлаштириш мақсадида ўқув режалари қайта кўриб чиқилди, юқори техника-технологияларни қамраб олган фан дастурлари яратилди, кўп йўналишлар ва фанлар бўйича ўқув адабиётларининг замон талабларига, етук рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш мақсадларига қаратилган янги авлодлари чоп этилди.

Ўз-ўзидан иккита савол келиб чиқади:

1. Нима учун ҳозирги пайтда таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимларини жадал ривожлантириш зарурати ошди.
2. Илгари ҳал этиш мумкин бўлмаган масалани эндиликда муваффақиятли ечишга қандай муайян омиллар кафолат беради.

Биринчи саволга жавоб шундаки, техника-технология ва фан илгари вақтга нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражада тез ривожланиб бормоқда. Бундай ривожланиш самараларини ахборот технологияларининг мислсиз ривожланганлигида, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилганлигида кўриш мумкин.

Бундай шароитларда эски, қолоқ технологияларга, ғайри-табиий ва камситишлик ғояларига асосланиб тузилган ўқув адабиётлари яроқсиз бўлиб қолди ва бу ҳол мамлакатимизда ўқув адабиётларининг янги авлодини миллий руҳда яратиш профессор-ўқитувчилар олдида долзарб масала сифатида қўйилди.

«Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор» И.Каримов.

Мамлакатимизда Ўзлимизни таниш жараёнига қаратилган маънавий, маърифий, тарихий, фалсафий ва психологик тушунчаларимизнинг янгиланиши, дунё илм-фан, маърифат тараққиётига, давлатчилигига улкан хисса қўшган улуғ истеъдодли авлод-аждодларимизнинг тарих саҳифаларига чиқиши, ҳозирги таълим-тарбияда энг юқори ахборот технологиялари ҳамда автоматлаштирилган техника-технологияларнинг жорий этилганлиги ва бу жараённинг янада тез суръатлар билан ривож топаётганлиги олий ва ўрта махсус таълим тизимида, фанларни фундаментлаштириш, ўқув режаларининг янги авлодини яратиш, уларни миллий (Баркамол авлодни тарбиялаш) руҳда такомиллаштириб боришни тақоза этади.

Фан-техника ва маънавийтимизнинг илдамланаётган бундай даврида олий ўқув мактаби келажакка ўзига хос кўприк бўлиши лозим. Бунга олий мактабнинг ривожланишига анъанавий ёндошиш асосида эришиб бўлмайди, демакки, таълимнинг асосий мақсади фақат билим олишдан иборат, деб қарамаслик керак.

Бу фикр касбга, бакалавр ва магистрларга, бинобарин, уларни тайёрлашга талабни ўзгартиради. Уларни фақат билимли эмас балки тарбияли қилиб тарбиялаш кераклигини талаб этади.

Иккинчи саволга, яъни ўқитиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш имкониятларини кенгайтириш тўғрисидаги масалага жавобни билиш-билим орттириш жараёнини ўрганувчи педагогика, фалсафа, психология каби фанларни ривожлантириш, Миллий истиклол ва Ватанни севиш ғоялари асосида топиш мумкин. Бу фанларнинг янгитдан тузилган, тубдан ўзгача ўқиш дастури олий ўқув жараёнининг моҳиятини тўғри тушунишда катта имкониятлар яратади.

Хулоса қилиб Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз: «XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаймиз».

Президентиимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "Бизнинг келажаги буюк давлатимиз - Хожа Ахмад Яссавий, Хожа Бахоуддин Накшбанд, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим".

И.А.Каримов айтганларидек: "Ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пироварт мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жихатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш миллий уйғониш гоёсини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади."

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли қомили инсон тушунчаси барқамол авлод шаклида қулланила бошланди ва таълим мақсади сифатида белгиланди. Барқамол авлод қандай ҳислатларга эга бўлиши лозим? саволига Президентимиз И.А.Каримов асарларида, халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларидан жавоблар топамиз. Булар:

1. Мустаҳкам билим ва эътиқод эгаси.
2. Қасб-ҳунар эгаси, ҳозирги замон техникаси билан муносабатда бўла оладиган шахс.
3. Юксак ахлокий-маънавий ҳислатларга эга бўлган, Ўзбекистон фуқароси.
4. Ватанпарвар, халқпарвар, инсонпарвар инсон.
5. Миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқ шахс.
6. Ижодий, мустақил фикрловчи, янгиликларга интилувчи соғлом авлод.
7. Тадбиркор, тежамкор ва меҳнатсевар.
8. Ватанимизнинг ички ва ташқи душманларига, ҳаётимизда учраб турадиган салбий қурбанишларга, иллатларга муросасис қурашувчан.

Демак, барқамол шахс жамиятиимиз таракқиетининг пойдевори. Шунинг учун уни тарқиб топтириш ҳозирги даврнинг муҳим давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланади.

Қомил инсонни тарқиб топтириш йуналишлари. Ўзбекистон Республикаси Таълим тугрисида қонун, Қадрлар тайерлаш миллий дастури таълим муассасалари олдига барқамол авлодни тарбиялаш вазифалари қуйилган. Бу вазифани ҳал этиш қуп жихатдан педагогик жараён мазмуни, уқувчиларнинг еш, билим имқониятлари, педагогларнинг назарий ва услубий тайергарлик даражаларидан қелиб қикиб ҳал этилади.

Республиқамиз ҳудудидаги барча таълим муассасалари барқамол авлодни тарқиб топтириш мақсадида қуйидаги йуналишларда таълим тарбия ишларини ташкил этади:

1. Шахсда илмий дуне қарашини тақиб топтириш ва ақлий тарбия.
2. Маънавият ва маърифат тарбияси.
3. Одоб-ахлоқ тарбияси.
4. Ватанпарварлик тарбияси.
5. Соғлом авлод тарбияси.
6. Тадбиркорлик ва ижодқорлик тарбияси.

Демак, таълим муассасаларида баркамол инсонни шакллантириш дарсда, дарсдан сунг, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, ҳокимият, ҳуқуқ, суд, милиция, адлия органлари билан ҳамкорликда олиб борилади.

2. Ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг мақсад ва вазифалари

Ёшларни мустақил билим олишга ўргатиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзлаган нутқида: ”Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиши мумкин”, деган эди. Шу ўринда таъкидламоқ лозимки, бугунги кунда ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир.

Ёшларни тарбиялаш жараёнида маънавий-интеллектуал ривожлантириш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилган.

Маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларини замонавий усулларда аниқлаш тарбиявий жараёнга самарали ўзгартишлар киритади. Ўқувчи-ёшларнинг, талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларини рағбатлантириш, тузатиш тарбия мазмуни, усуллари ва таъликий шакллари яхшилашга мос тузатишлар киритиши лозим.

Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсини ривожланишига ва тарбиясига таъсир кўрсатади.

Билимларни назорат қилишда қўйилган балл ва баҳолар ўқувчи ва талабада қандай таассуротлар қолдирганини, улар ўртоқларининг ўқишдаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш лозим. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим ва мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, баъзан-баъзан тасодифан текширишларни олдини олади ва тартибли, доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб беради.

Педагогика фани ёшларни маънавий-интеллектуал сифатларини замонавий усулларда аниқлаш, улар билимларини ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини алоҳида уқтиради.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилинади ва вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан ўқув юртлири олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида унинг ёзма, оғзаки ва амалий

Ёшларни маънавий - интеллектуал рағбатлантиришнинг вазифалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис қонунлари, юқори ташкилотларнинг таълим-тарбия билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлари ва буйруқларининг моҳиятини талабаларга етказиш ҳамда ижросини таъминлаш. усулларида кенг фойдаланилмоқда.
2. Миллий ва диний кадриятларимизни, умуминсоний ахлоқ-одобни маънавий-маърифий тарбия орқали талабаларга сингдириш. Талабалар уртасида соғлом маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш. Миллий, диний ва касбий байрамларни кенг нишонлаш
3. Буюк аجدодларимиз меросини урганиш. Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни талабалар уртасида тарғиб қилиш. Диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликнинг зарарли моҳиятларини тушунтириш.
4. Талабаларда ихтисослик этикасини шакллантириш. Уқув жараёнида таълим-тарбия уйғунлигига эътиборни қаратиш, касб одоби ва шаъни ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш. Иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Устоз-шогирд аъёнларини мустаҳкамлаш.
5. Наркотик воситалар ва психотроп ашёларни Гайриқонуний айланишга ҳамда уларни истеъмол қилишга қарши ҳаракатни шакллантириш.

Демократик жамиятда Ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришдан кўзланган мақсад қуйидагилар:

1. Мустақиллигимизни, истиқлолимизни ҳис эта билиш, ўзлигини англаш;
2. Республикаимизнинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш;
3. Оила, жамият, давлатимиз олдидаги масъулиятни англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантириш;
4. Ахлоқий пок, жисмоний бақувват, ватан туйғуси билан суғорилган фидоий инсон, изланувчан, ташаббускор соғлом-авлодни шакллантириш;
5. Таълимни фақат маълумот, савод ўрганишгина эмас, уни ҳаётга тадбиқ эта биладиган шахсни тарбиялаш;
6. Янги жамиятни қуриши, унда яшаш, ишлашни биладиган ёшларни тарбиялашдан иборат.

3. Ёшларнинг маънавий-интеллектуал сифатларини замонавий усулларда аниқлашнинг самарадорлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” ва “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Истиқлол ва маънавият” каби асарларида мустақил Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётининг келажаги ҳақида асосли йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан мутахассислар тайёрлашда уларни интеллектуал ривожлантириш зарурлиги алоҳида қайд қилинган. Қўйилаётган талаблар билан ҳар томонлама интеллектуал ривожлантиришнинг педагогик шароитларининг муфассал

эмаслиги орасида тафовут яратилди. Айникса, мутахассис тайёрлашда мактабдан бошлаб олий ўқув юртларини битириб чиққунларигача назорат шаклининг тўлиқ бўлмаганлиги таълим -тарбия жараёнининг асосий муаммоларини ташкил этади. Масаланинг муҳим томони шундаки, мутахассислар оммавий тусда тайёрланганда тарбиячининг ҳар бир талаба билан етарли даражада яккама-якка мулоқот қилишга вақти етмайди. Мулоқот тезкор савол-жавоб тарзида ўтса, табиатан бундай мулоқот талабани ҳам, тарбиячини ҳам қаноатлантирмайди. Олий ўқув юртларидаги синов ва имтиҳонлар жуда кўп вақтни эгаллаган ва талабанинг иқтидорини ҳар томонлама баҳолашга арзимаган.

Таълимда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методларининг зарурати нимада ва унинг қандай турлари бор?

Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.

Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш

Лаборатория - амалий назорат ва ўз-ўзини назорат.

Тест назорати.

Биз ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ислом Каримов

Ўқитиш тизимида назоратнинг зарурлиги шундан иборатки, бутун ўқув юртлари тизимига самарали ишлаётганлиги ҳақида ахборот олишга булган ижтимоий эҳтиёж. ҳисобга олинади.

Нazorat мактабдаги ўқитиш жараёнига хос булган: таълимий, тарбиявий, ривожлантиришдек асосий вазифаларни бажаради. Назоратни куйидаги турларга буламиз.

Оғзаки назорат - якка ва гуруҳий сўраш йўли билан амалга оширилади. Алоҳида сўрашда ўқитувчи маълум вақт даврида ўқувчилар тушунча, қонунларни назарий ҳолда далилларни қай даражада эгаллаганликларини аниқдайди. Ўқувчилар билими она тили, математика, физика, кимё фанларида ёзма тарзда ҳам баҳоланади.

Ёзма ишлар турли давомийликка эга. Айрим вақтда қисқа, айримда эса тула дарс давомида ёзма ишлар утказилади. Ёзма назоратда баҳолар объектив булиши ва ўқувчиларнинг типик хатолари аниқланиб келгусида уларнинг бартараф этилиши белгилаб олинади. Ўз -ўзини назорат қилиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини муҳим элементидир. Назорат келгусидаги ишларга режа тузиш нималарга эътибор бериш кераклигини аниқлаб беради.

Нима учун билимни назорат қилишнинг рейтинг тизимини жорий этиш зарурати тўғилганлиги ҳақида ўйлаб қурайлик?

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ишлаб чикилган давлат таълим стандартларида таълимнинг ҳар бир босқичида укувчилар эгаллаши лозим булган билим, куникма ва малакаларнинг минимал даражаси белгилаб берилган. Лекин бу билим, куникма ва малакаларни шакллантириш жараёни боланинг интеллектуал ямкониятларини ҳисобга олиб ташкил этилса, юкори самарадорлик таъминланади.

Маънавий - интеллектуал шаклланиш сифатларини замонавий усулларда аниклаш тарбия жараёнига самарали узгартиришлар киритади. Укувчи ёшларнинг, талабаларнинг маънавий - интеллектуал шаклланиши сифатлардаги ютуқ ва камчиликларни рағбатлантириш, тузатиш тарбия мазмуни усуллари ва ташкилий шакллари яхшилашга мос тузатишлар киритиш лозим булади.

Куйилаётган талаблар билан ҳар томонлама интеллектуал ривожлантиришнинг педагогик шароитларининг муфассал эмаслиги орасида тафовут яратади. Айникса, мутахассис тайёрлаганда мактабдан бошлаб олий укув юртларини битириб чиккунларигача назорат шаклининг **тулик** булмаганлиги таълим - тарбия жараёнининг асосий муаммоларини ташкил этади. Масалани муҳим томони шундаки, мутахассислар оммавий тусда тайёрланганда тарбиячиларнинг ҳар бир талаба билан етарли даражада яккама - якка мулокот килишга вақти етмайди. Мулокот тезкор савол - жавоб тарзида утса, табиатан бундай мулокот талабани ҳам тарбиячини ҳам қаноатлантирмайди. Укувчи ва талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш укув йили давомида ҳар доим мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий килиниб, у баъзан утказиладиган тасодифий текширишларни олдини олади ва тартибли доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб беради.

Рейтинг тизими тугрисидаги Низомда «Укувчилар билим даражаси сифатини назорат килишнинг рейтинг тизимини жорий этишнинг асосий максади **назоратнинг** ҳар хил турлари ва шаклларида фойдаланиш йули билан умумий урта таълим давлат таълим стандартлари талаблари бажарилишини таъминлаш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда укувчиларнинг **интеллектуал** қобилиятларини ривожлантиришдан иборат» деб курсатилди.

Рейтинг деганда - баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ходисани олдиндан белгиланган шкала буйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг ёрдамида психологик объектларни, улар учун умумий булган хусусиятларнинг ёркин даражасига караб (эксперт баҳолаш) дастлабки классификациялаш амалга оширилади.

Шкалалаш - аниқ жараёнларни ракамлар тизими ёрдамида моделлаштиради. Уларнинг турли услублари, тавсифлари қай бир микдорий узгарувчиларга турлича айлантириш услубларидан иборат.

Хозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий таълм, урта - махсус, касб - ҳунар таълимини ва олий таълим босқичларида ўкувчи талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли укувчи-талабаларни бутун укиш давомида уз билимларини ошириш учун мунтазам

ишлашни ҳамда уз ижодий фаолиятини такомиллаштиришни рағбатлантириш гоёсига асосланади.

Билимларни баҳолашда рейтинг назорат тизимига утиш орқали катор вазифалар ҳал этилади. Жумладан:

- укувчи талаба билимнинг сифат курсаткичларини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баллар билан баҳолаш;
- укувчи талабаларнинг узлаштиришини доимий назоратга олиш билан уларнинг уз устида бутун ўқув йили давомида фаол ишлашни жонлантириш;
- укувчи талабалар мустиқ ишларининг самарадорлигини ошириш;
- рейтинг назоратида ЭХМли ва ЭХМсиз тестлардан фойдаланиш;
- куплаб камчиликларга эга булган мавжуд синов имтихон сессияларидан воз кечиш.

Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фан бўйича талаба узлаштиришининг сифат курсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

4. Ишлаб чиқариш ташкилотларида ёшларни рағбатлантиришнинг ўзига хос усуллари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ходимнинг шахсий имкониятлари бекиёс даражада кенгайди. Айниқса, жамоа ва шахсий мулкка эгалик ва ҳўжайинлик ҳис-тўйғуси меҳнатда энг муҳим фойдали омил бўлиб хизмат қилади. Инсон яққа ҳолда шахслараро муносабатлар доирасида ҳамда ибрат (персонаж) намунаси сифатида намоён бўладики, бу уч жиҳатнинг бирлиги уни шахс мақомига кўтаради. Ана шу жиҳатлар шахснинг обрў-эътиборни ҳам ифодалайди.

Обрў-эътибор одамларнинг ўзаро муносабатлари тизимида таркиб топади. Обрў-эътибор гуруҳнинг ривошланиш даражасига боғлиқ бўлиб, у баъзи жамоаларда каттиқўллик кучлининг ҳуқуқи тан олиниши яъни “хокимият” обрў эътибори сифатида намоён бўлса, юксак даражада уюшган жамоаларда “обрў-эътиборли хокимият” тарзида юзага чиқади. Бунда шахсий хусусиятлар жамоага хос, жамоа хусусиятлари шахсга хос тарзида кўзга ташланади.

Педагог-психологлар меҳнат жамоаларини раҳбатлантиришда ривожланишнинг қуйидаги тўрт босқичига эътибор қаратишни лозим топадилар:

А). Уюшиш жипслашиш босқичи.

Уюшиш-жипслашиш ҳамкорликда фаолият қилиш зарурятидан келиб чиқиб, аъзоларнинг малакаси, қобилияти қизиқишларидан бир жойга жамланишидир. Шахсий эҳтиёжларни қондиришдаги фаолият кишиларни жипслаштиради. Раҳбар меҳнати жараёнида кишиларнинг билими, қасби, малакаси, ёшини ҳисобга олиб уларни жамоага туплайди. Бунда раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти намоён бўлади.

Б). Жамоанинг таркиб топиш босқичи.

Рахбар жамоа ҳар бир аъзосининг меҳнатга муносабатини аниқлашга киришади. Кимки фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини чуқур англасагина узининг бор кучи, ижодкорлигини ишга сафарбар этади. Жамоада фаоллар ва дангасалар, ишга ҳалакит берувчилар бўлиши мумкин.

Рахбар уларнинг урнини алмаштириш, меҳнатга муносабатини узгартириш, уз ишига кизикиш ташаббус курсатишга ундаш орқали жамоа фаоллигини таъминлайди. Рахбар бу ишларни кул остидагилар фаолиятини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш, меҳнат натижаларини салмоқлаб куриш билан кушиб олиб беради,

С). Ҳар бир аъзонинг жамоага мослашиш босқичи.

Бу босқичда колоқлар, ҳалакит берувчилар қолмайди. Уларнинг шахсий кизикишлари ва эҳтиёжлари жамоа фаолияти билан чирмашиб, мослашиб этади. Соф ахлокий-рухий муҳит яратилган меҳнат жамоасида фаоллик, касбга кизикувчилик барқарор тус олади. Шахсда яхши ният пайдо бўлади, мақсад ва эҳтиёжларини қондиришга интилиш, меҳнатсеварлик қучаяди. Ҳамкорликдаги меҳнатдан завқ олиш шахслараро муносабатларни яхшилайдди.

Д). Инсоний кадриятларга эришиш босқичи

Бу босқичда жамоа ҳис туйғулари бир мақсад йулида умумлашади. Жамоавий фаоллик вужудга келади. анъанавийлик қарор топади. Инсон уз кизикишлари ва интилишларини жамоа ҳаётига боғлайди. Атрофдагиларга ишонч ортади, дустлик ва муҳаббат ришталари мустаҳкамланади. Бу жараёнларда рахбар зиммасига катта масъулият юки тушади. Бунда рахбарнинг узига ҳос иш юритиши, бошқарув укуви, ташкилотчилиги, тарбиявий ишлар олиб бориш маҳорати яққол намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир шахс, жамоа ва рахбар обрӯ-эътибори, уларнинг узаро борлиқлиги масаласи, айниқса, рахбарнинг ташкилотчилик, ишбилармонлик, тарбияловчи фаолиятининг жамоага таъсир масаласи Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида сузлаган нутқида чуқур таҳлил этиб берилди - Аҳолини чучук сув билан таъминлаш, газлаштириш, маданий-маиший хизмат, халқ хужалигининг тармоқлари, ёшларни маънавий ахлокий тарбиялаш, ёш кадрларга ғамхурлик каби муаммоларни ҳал этишда барча бугунлардаги рахбарларнинг олдида турган муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

«Ҳамма гап хужалик ва ташкилот рахбарларида, уларнинг ташаббускорлиги ва янгича ишлаш иштиёқмандлигида. Рахбар ташкилотчи бўлса, сезгир ва эътиборли бўлса, имконият излайди. Бу мисоллар жойларда боқимандаликка, узибуларликка қуниқиб кетган, эскича иш қилипидан чикаолмаётган рахбарлар ишлаётганидан далолат беради. Ахир минг кишилиқ жамоадан унта йигит-қизни маиший хизматнинг турли соҳалари бўйича мутахассисликка тайёрлаш шунчалиқ қийинми? Тегишли асбоб-ускуналарни қелтириш, қулайроқ жойда урнатиш катта ақл ёки меҳнат талаб қиладиган иш эмас-ку? Аҳолига хизмат курсатиш йули билан ҳам уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётига янги мазмун бериш, қайфиятини ва руҳиятини

кутариш мумкин. Айрим пайтда у жамият умумий маданий кифасини ҳам белгилайди”. Ислом Каримов.

Хуллас, бозор иктисодиёти муносабатларида ҳар бир раҳбар, менежер ҳар қандай шароитда ҳам инсонга гамхурлик қилиши инсон рухий ҳолатини ҳисобга олиши ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва йуналтиришда уз жамоаси ва жамиятнинг манфаатларидан келиб чиқиш лозим бўлади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, мамлакатимизда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси маҳнавий юксалиш ва янгилашни сари бормоқда. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда, яъни бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир даврда таълим -тарбия соҳаси – давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг пировард натижаси умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида маҳнавий жиҳатдан баркамол етук авлодни - шахсни вояга етказишга қаратилган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти ҳисобланади. Мустақил фикр юритадиган, қўйилган мақсадга эришишга қодир бўлган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган шахс тарбияси - мавжуд таълим тизимининг тарбия жараёнига янги ва ноанъанавий ёндашувларни тадбиқ қилишни тақозо этади.

Тарбия - узлуксиз, барқарор, кўп қиррали ва ҳаракатдаги жараёндир.

Тарбия жараёнида қўлланиладиган асосий йўналишларидан бири - *мулоқотдир*.

Мулоқот - бу инсон шахсининг ҳар томонлама ривожланишига олиб келувчи, инсон кадр-қимматини билмоқ ва тан олмақликни тарбиялашда маҳнавий-рухий таъсир кўрсатиш воситасидир.

Маданият ҳам ҳаёт қаби доимий ўзгарувчан ва ривожланишда бўлади. Раҳбарнинг вазифаси - ишчига дунёнинг маданий кадрият ва бойликларини ўзлаштирмасдан, ўз соҳасига кириб бора олмасликларини тушунишларига ёрдам беришдан иборат.

Раҳбар ёш ишчи ходимларини рағбатлантиришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- жамоа билан ҳамкорликда ходимнинг ўқув малакаларини, билиш фаоллиги ва унинг келгуси шахсий касбий режасининг аниқланганлигини ривожлантиришда ягона тактика ишлаб чиқиш;
- ходимнинг танқидий фикрлаши ва қизиқувчанлигини рағбатлантирувчи, дунёқараш ва дунёни тушунишларига бўлган қизиқишларини кенгайтирувчи тадбирларни амалга ошириш;
- ходим ва жамоанинг таълим кўникмаларини коррекциялаш муаммоларини ишлаб чиқувчи психологик-педагогик консилиумлар ўтказиш.

Қуйидагиларга эътибор берилиши керак

- ишчини ўраб турган жамоа муҳити ва жамоа аъзолари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

- фаоллар йиғилишлари, маслаҳатлар, суҳбатлар тизими орқали мутахассисларнинг психологик-педагогик саводхонлигини ошириш;
 - ишчиларнинг бўш вақтларини биргаликда ўтказишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
 - малакаси оз ва ёш ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.
- Ишчи-ходимларнинг қиёфавий мулоқоти. Таклиф қилинаётган юзнинг мимик ифодаланишларига диққат билан қараб, ушбу саволларга жавоб беринг.

Мимик юзлар



1



2



3

1. Раҳбарингиз сиз билан қандай юз кўринишида мулоқот қилади?
2. Сиз раҳбарингиз билан кўпинча қандай юз кўринишида мулоқот қиласиз?
3. Жамоа аъзолари билан мулоқотда сизнинг юзингиз қандай бўлиши керак?

Раҳбар қандай характер ва сифатларга эга бўлишлигини ўйлаб кўринг.

РАХБАР	☞ Ҳаққонийлик ☞ Ташаббускорлик ☞ Мулоқотчанлик ☞ Мустақиллик ☞ Топқирлик ☞ Айтилган заҳоти англаб олишни билиш ☞ Одам раҳбар ҳисобланган жойдаги фаолиятида билимларга эга бўлишлиги ☞ Одамларнинг ўзаро муносабатларида тезда йўналишни белгилаб олиш қобилияти ☞ Талабчанлик ☞ Об'ективлик ☞ Танқидий танбехларга хайрихоҳлик ☞ Ташкилотчилик ишларига эҳтиёжлик ☞ Фаоллик ☞ Ишчанлик ☞ Вазминлик ☞ Ўз ҳис-туйғулари билан қувватланиш қобилияти ☞ Бошқаларга таъсир ўтказиш қобилияти ☞ Ишга мустақил киришиб кетиши
--------	--

Раҳбар амал қиладиган ишларнинг етти жиҳатлари мавжуд:

1. *Ҳиссиётлар билан ўртоқлашиш ва руҳлантириш.* Бунинг учун раҳбар келажакни, худди ҳозирги кундай кўра олиши керак.
2. *Ўзаро муносабат ва жараён, натижаларига эътибор қаратиш.*

3. *Ишга оптимал жалб этишига эришмоқ..*
4. *Ўз хулқ-атвори билан ҳамкорликка чорлаш.*
5. *Топириқни бажаришга ёндашувлар ва ечиш йўллари ишлаб чиқиш.*
6. *Бошқаларда уларнинг яхши сифатларни очиш.*
7. *Қўшган ҳиссаси учун ишчига миннатдорчилик билдириш.*

Агар инсон 2 та нарсани ўрганиб олса, ўзининг маънавий-интеллектуал даражасини кўтаришга қодирдир.

- Одамлар ўртасидаги тафовутлардан олинган салбий тасаввурларини енга олиш ва бартараф этиш.
- Бу тафовутларни келтириб чиқарувчи ва диққатни жалб этувчи ҳолатларни бартараф этиш.

ИШДАГИ МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ

1. Одамга қўполлик, ҳақоратловчи сўз ва бошқа турдаги ҳурматсизларча бўлган муносабатни, системасини емирадиган занг билан таққослаш мумкин.
2. Учрашувга кеч қолмасликка ҳаракат қилинг. Кеч қолиш кутаётганга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади.
3. Гапираётган одамнинг сўзини бўлманг, уни эшитинг, кейин эса айтганларини таҳлил қилинг ёки рози эмаслигингизни айтинг.
4. Гаплашаётганда кўзига қараб туриш лозим, қоғозларни тахламанг, кўлингиздаги қаламни ўйнаманг.
5. Паст овозда, аниқ, лекин кескин ва узилишларсиз гаплашишга ҳаракат қилинг.
6. Ёши бўйича катталарга, аёлларга, уларнинг хизмат ҳолатларидан қатъий назар ҳурмат билан муомалада бўлинг.
7. Ўзингизнинг хизмат вазифангизни таъкидламанг.
8. Уйдаги келишмовчиликлар ва жаҳл чиқишларни муассасадан ташқарида қолдиришни тавсия этади, бу нарсаларнинг барчасининг меҳнат муносабатларига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик лозим. Ўзини тута билмаслик, асабийлик, қўполликлар ишчанлик алоқаларини йўлга қўйишга ёрдам бермайди, меҳнатнинг хотиржам атмосфераси ва ритминини бузади.

Нутқ маданияти тўғрисида нима дея оласиз?

Йиғилишларда сўзга чиққанда, лекция ва маърузалар қилинаётганда ҳаммадан аввал бош қоидаларга амал қилинишлиги лозим. Бу эшитувчиларга нисбатан ҳурмат билан қилинган муносабат, ёки айтилганидек, нотиқлик санъатидир. Мақтанчоқлик, насиҳатгўйлик, ибратли эмас. Бу ерда энг муҳими ишонтириш, ишнинг кўзини билиб жиддий асослашдан иборат. Қисқа гапиришга ҳаракат қилинг. Мақолда айтилишича: Арқоннинг узунлиги - нутқнинг қисқаси яхшидир.

Гапириш услубини ўрганиш лозим. Бунинг учун нима керак? Ҳаммадан аввал луғавий заҳира. Луғавий омбор, бадий адабиётларни ўқиш, шеърлар ёдлаш, ёқиб қолган сўзларни ёзиб олиш, ифодалар, иборалар ҳисобига

мунтазам равишда тўлдирилиб борилиши керак. Нутқни қисқа, аниқ ва таъсирчан қилиб тузишни билиш керак. Сухбатдошни ишонтириш имконияти нутқнинг маромига боғлиқ бўлади.

Бир маромдаги сўз сизнинг фикрларингизни тасдиқлайди, сержаҳллик, бақириш мулоқотга салбий таъсир кўрсатади.

Бердахнинг айтганларини эсланг:

*«Бил дўстлик қадрини, билгин қадрни сўзлар орқали
Дўстларингга изтироб етказмагил,
Уларга бахт тила - ўзинг бахтли бўлгайсан
Сенинг дўстинг - халқнинг дўстидир».*

Файхтвангернинг доно сўзлари:

*«Одамга гапиришни ўрганиши учун икки йил керак
ва 60 йил тилини тийишликни ўрганиши учун».*

Тест саволларига жавоб беришга ҳаракат қилинг.

1. Сизда кизиқарли фикр туғилди, лекин, уни қўллашмади. Сиз хафа бўласизми?
 - а) Ҳа.
 - б) Йўқ.
2. Сиз дўстларингиз билан учрашдингиз, кимдир ўйин бошлашни таклиф қилди. Сиз нимани афзал кўрасиз?
 - а) Фақат яхши ўйнайдиганларнинг чиқишларини.
 - б) Фақат ҳали қондани билмайдиганларнинг чиқишларини.
3. Сизга ёқмайдиган хабарни хотиржам қабул қиласизми?
 - а) Ҳа.
 - б) Йўқ.
4. Жамоат жойларида маст одамларнинг пайдо бўлиши жаҳлингизни чиқарадими?
 - а) Агар улар чегарадан чиқишмаса, мени бу умуман қизиқтирмайди.
 - б) Ўзини назорат қилолмайдиган одамлар менга ҳар доим ёқмайди.
5. Сиз бошқа касбдаги, ҳолатдаги, урф-одатдаги одамлар билан осонликча мулоқот қила оласизми?
 - а) Сенга буни қилиш қийин бўлар эди.
 - б) Сен бундай нарсаларга эътибор қилмайман.
6. Ҳазил объекти сиз бўлсангиз бунга қандай қарайсиз?
 - а) Сенга ҳазил ва ҳазиллашишларнинг ўзи ёқмайди.
 - б) Агар ҳазил бўлса менга ёқмайди, мен ҳам шу тариқа жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Хулоса қилиб қуйидаги доно ҳикматли сўзларни келтириш мумкин:

1. «Тилингни ақлингдан олдин кетишига йўл қўйма».

Хилон

2. «Сухбатдошларга ёпишиб олма, «тугат» деб бақиришдан аввал, тинчлан».

Саадий

3. «Бошқаларнинг фикрларига нисбатан эътиборли ва тушунувчан бўлинг, ҳеч қачон ўзингизнинг қарашларингиз ва ўзингизнинг нуқтаи назарингизни батамом тўғри деб ҳисобламанг. Агар, сиз объектив ва ҳаттоки, бегонанинг қарашларига, воқеа ва нарсаларга шафқатли бўлсангиз, сизга ҳам шунга ўхшаш нарса намоён бўлади».

Мирзо Улуғбек

УМУМИЙ ХУЛОСА

Дарсинг яқунлаш таҳлили асосида куйидаги хулосаларни қисқача келтириш мумкин:

1. Олий таълим тизимидаги ислохотлардан, кўзда тутилган мақсадлардан асосийси янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда, аниқроғи, бозор муносабатлари муҳитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг кафолатли пойдеворини яратишдир.

2. Ёшларнинг маънавий-интеллектуал сифатларини замонавий усулларда аниқлаш бу ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнларини Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида амалга оширадиган ва яқуний натижани кафолатлайдиган педагогик фаолиятдир.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ёшларни маънавий-интеллектуал сифатларини изоҳланг?
2. Таълимнинг рағбатлантириш усуллари айтинг?
3. Тест афзаллигини ифодаланг?
4. Шкалалаш нима?
5. Рейтинг нима?
6. Таълим соҳасидаги ютуқлар?
7. Оғзаки назоратнинг аҳамияти нимада?
8. Маънавий-интеллектуал сифатларни замонавий усуллари аниқланг?
9. Иқтидор нима?
10. Ёшларни маънавий - интеллектуал рағбатлантиришнинг мақсад ва вазифалари нималарда иборат?
11. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига сизнинг муносабатингиз қандай?
12. Рейтинг тизимида қандай назорат турлари қўлланилади ва улар қачон ўтказилади?
13. Рейтинг тизимида баҳолаш тестларининг ўрни.
14. Тестларнинг қандай турларини биласиз?
15. Сиз ўқувчини рағбатлантиришнинг қандай усуллари таклиф этардингиз?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1-топшириқ

Ёшларнинг маънавий-интеллектуал сифатларини аниқлаш тестларини ечинг:

1. Бирор мураккаб фаолиятни муваффақиятли мустақил ва оригинал бажаришга имкон берадиган қобилият системаси нима?

А) иқтидор Б) қизиқиш В) қобилият Г) талант Д) лаёқат

2. Инсон қобилиятларини ривожлантиришда нима муҳим омил бўла олади?

А) қизиқиш Б) диққат В) эҳтиёж Г) мақсад Д) вазифа

3. Интеллектуал ҳисларга даставвал нима киради?

А) ажабланиш Б) ҳайратланиш В) руҳланиш Г) эстетик Д) мулоқот

4. Дадилликнинг қарама-қарши томони?

А) сабрсизлик Б) чидамсизлик В) журъатсизлик Г) ботирлик
Д) жасурлик

5. Инсон иродавий фаолиятининг юксак даражаси?

А) ўзини тута билмаслик Б) ўзини олийжаноб билиш В) ўзини катта тутиш
Г) ўзини тута билиш Д) ўзини паст билиш

6. Қобилият асосан қайси метод ёрдамида ўрганилади?

А) суҳбат Б) тест В) сўров Г) анкета Д) кузатиш

7. Шахс ижобий сифатларига мисол?

А) меҳнатсеварлик Б) кўрқоқлик В) лақмалик Г) сабрсизлик Д) тоқатсизлик

8. Билимларнинг ўзлаштирилиб, амалиётда қўлланилиши нима?

А) малака Б) кўникма В) билим Г) дунёқараш Д) қизиқиш

9. Меҳнат қилишга нима ундайди?

А) мотив Б) эҳтиёж В) қизиқиш Г) мақсад Д) вазифа

1. Айрим нарсалар ўртасидаги мураккаб муноса-батларнинг акс эттирилиши қайси ҳаракатнинг асосини ташкил этади?

А) интеллектуал Б) малаканинг В) мулоқотнинг Г) кўникманинг Д) ақлнинг

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Мутахассаслигингизга доир ўқув предмети бўйича ёпик, очик мувофиқликни аниқлашга ва давомийликни тўғри белгилашга доир тест топшириқларидан намуналар ишлаб чикинг.

2. Умумий ўрта таълим муассаса(мактаб)ларида ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низомни чуқур

ўрганиб чиқинг. Ушбу Низомдан ва унда келтирилган жадваллардан фойдаланиб, ўз фанингиз бўйича рейтинг харитасини ишлаб чиқинг.

Реферат учун мавзулар:

1. Таълим жаранида нафосат тарбияси.
2. Бозор иқтисодиётида таълим.
3. Боллар иқтидорлиги. Боллар иорлигинг турлари ва мезонлари.
4. Хозирги даврда илмий-техника тараққиёти ва таълим мазмуни.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Т. 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.”Шарқ“. 1999.
4. Каримов И.А. “Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин”. Т. “Тафаккур”№2. 1998.
5. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т. 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1999.
7. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т. 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 1992.
9. Азизхужаева Н.Н Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТошДПУ босмаҳонаси. Тошкент 2003 й.
- 10.Б.Л.Фарberman, Р.Г.Мусина,Ф.А.Жумабоева Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т.2002й,192б.
- 11.Н.Х.Авлиякулов. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари. Бухоро. Муаллиф, 2001й. 99б.
- 12.Н.Х.Авлиякулов. Замонавий ўқитиш технологияси.Тошкент. 2001й. 66 б.
- 13.М. В. Кларин. «Инновации в обучении: Метафоры и модели. Москва Наука 1997 г.
- 14.В. П. Беспалько. Слагаемые педагогической технологии. Москва 1989 г.
- 15.Б. Л. Фарberman. Основы теории инвариантных тестовых заданий. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. 1997 г.
- 16.Н.С. Саидахмедов. “Янги педагогик технологиялар: Назария ва амалиёт” Изд-во “Молия” 2003й.
- 17.Ж.Г.Йулдошев, С.Усмонов “Педагогик технология асослари”. Тошкент.Укитувчи. 2003й.
- 18.А.С.Агафонова Практикум по общей педагогике. Учебное пособие для вузов. -С.-П.: «Питер», 2003 – 416 с.
- 19.В.Н.Петрова Дидактические материалы (тесты, упражнения, творческие задания).-М.:«Педагогическое общество России»,2005- 331 с.
- 20.В.А.Титов Общая педагогика.Конспект лекций. -М.: «Приор», 2003-271 с.

ФОЙДАЛИ САЙТЛАР

№	Номи	Интернет ресурслар
1.	Электрон журнал	http://www.arki.ru/magaz
2.	Мультимедиажурнал	http://www.625-net/index.htm
3.	Тармоқ хавфсизлиги бўйича электрон журнал	http://zlob.net.ru
4.	Вебмастерлар учун журнал	http://allwebcreation.al.ru
5.	Журнал Мир Интернет	http://www.iworld.ru
6.	Илмий-оммабоп Интернет журнал	http://www.xterra.ru
7.	Журнал Компьютер Пресс	http://www.compress.ru
8.	Журнал UPGRAIDE: шаммаси темир ша=ида	http://upgrade.computer.ru
9.	Журнал ТелеМультиМедиа	http://www.telemultimedia.ru
10.	Илмий-оммабоп Интернет журнал	http://www.membrana.ru
11.	Электрон Россия	http://www.e-rus.ru
12.	Россия кутубхоналари	http://www.libs.ru
13.	Очиқ электрон кутубхона	http://orel.rsl.ru
14.	Россия миллий кутубхонаси	http://www.nlr.ru
15.	Россия давлат кутубхонаси	http://www.rsl.ru
17.	Ахборот технологиялари бўйича курслар	http://www.Intuit.ru
18.	МДУ	http://www.msu.ru

Ўзбекистон сайтлари

1	ЎзМУ	http://www.nuu.uz
2	Ўзбекистон республикаси	http://www.gov.uz
3	Турли ахборотлар	http://www.bilimdon.uz
4	Мактаб грантлари	http://www.connect.uz
5.	НавДКИ	http://www.nsmi.uz

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ.....	3
1. Педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.....	5
2. Тарбияда шахс ривожланишининг биологик ва психологик асослари	18
3. Илмий педагогик тадқиқот методлари. Педагогик жараён ва мутахассислик...	31
4. Оилада тарбия асослари. Ҳуқуқий тарбия. Мустақил фикрлашни тарбиялаш.....	47
5. Меҳнат ва касб тарбияси. Меҳнат этикаси ва эстетикаси. Жисмоний тарбия.....	55
6. Таълим методлари ва воситалари.....	61
7. Таълим-тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари.....	71
8. Таълим тарбия жараёнини ташкил қилиш. Бошқариш тизими ва ишлаб чиқариш.....	80
9. Ёшларнинг маънавий-интеллектуал сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш усуллари.....	88
Фойдаланиш учун адабиётлар.....	105

